N 24 (101) • 2007 йил 12 июнь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

# Парламент хабарлари



### *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида белгиланганидек, «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга».

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти масалалари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн тўрт йиллигига бағишланган тантанали мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтган қуйидаги сўзлар бунга ёрқин далил бўла олади: «Табиийки, «Ижтимоий ҳимоя йили»да эл-юртимизга кўп хизмати сингган, ҳозир ҳам ўзининг ҳаётий ўгитлари билан ибрат бўлиб келаётган муҳтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг соғлом ва мазмунли умр кечириши учун шароит яратиб бериш бўйича аввалги йилларда бошланган ижобий ишларимизни албатта давом эттирамиз».

Изчил амалга ошириб келинаётган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва бу йўналишдаги ишларни кучайтириш, аниқ йўналтирилган тарзда кўрсатиладиган ёрдам самарадорлигини ошириш, эҳтиёжманд оилаларни, ёлғиз ва кекса фуқароларни, пенсионер ва ногиронларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ана шу мақсадларга бюджет маблағларинигина эмас, балки хусусий шахслар, мулкчиликнинг турли шаклларидаги ташкилот ва корхоналарнинг ихтиёрий хайрияларини ҳам жалб этиш юзасидан комплекс собитқадам чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли равишда амалга оширилаётганлиги натижасида Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, шу жумладан пенсиялар тўлашга йўналтирилаётган харажатлари ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бундан ташқари ҳукумат ҳар йили ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза этиш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш юзасидан махсус қарорлар қабул қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2007 йил 8 июнда бўлиб ўтган мажлисида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Мажлисда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, мазкур Қонуннинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлик томонидан ҳаракат дастури ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва жойларга юборилган бўлиб, бу дастурда пенсия таъминотини ташкил этиш, пенсияларни, ижтимоий нафақаларни молиялаштириш ва тўлаш масалалари борасида Вазирлик ва унинг бўйсунувидаги таркибий бўлинмалар вазифалари белгилаб берилган. Вазирлик тизимида ташкил этилган ва муваффақиятли ишлаб келаётган компьютер дастури пенсиялар тўловини ой сайин мониторинг қилиб бориш, пенсионерлар тўғрисидаги мавжуд маълумотлар базасини такомиллаштириш, пенсияларни тайинлаш ва тўлашга оид ҳужжатларни тайёрлашни камчиликлардан холи этиш имконини бермоқда.

2007 йил 1 апрелга бўлган ҳолатга кўра, Ўзбекистонда пенсионерлар сони 2746707 кишига етган, шу жумладан 1973636 киши ёшга доир, 546706 киши ногиронлик, 226365 киши боқувчисини йўқотганлик пенсияларини олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган фармонларига мувофиқ кейинги йилларда пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг ўртача миқдори сезиларли даражада ошди. Чунончи, пенсияларнинг ўртача миқдори 2004 йилда 21560 сўм бўлган бўлса, 2006 йилда 42325 сўмга етди, ижтимоий нафақалар бўйича бу кўрсаткичлар тегишинча 12401 сўмни ва 23680 сўмни ташкил этди. Пенсиялар ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида Вазирлик томонидан тегишли буйруқлар чиқарилди, қайта ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилди, жойларга йўриқномалар юборилди.

2006 йилда 43896 нафар пенсионер ва ногирон ўз соғлиқларини санаторийларда, профилакторий ва дам олиш уйларида яхшилаб қайтдилар.

Муҳокама асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини таъминлашга доир фаолиятини такомиллаштириш заруриятига қаратилган бир қанча таклиф ва тавсияларни билдирдилар. Парламент юқори палатаси аъзолари, жумладан, пенсия ва нафақаларни тайинлаш, уларни вақтида тўлаш, ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий хизмат кўрсатишни кучайтириш масалаларида Қонун талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурлигига, шунингдек «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш самарадорлигини янада юқорироқ даражага кўтариш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишига эътибор қаратдилар. Бундан ташқари Қўмита мажлисида давлат пенсия таъминотининг қонунчилик базасини мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ишларини эътиборга олган ҳолда янада такомиллаштириш ва кенгайтириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Адлия, Молия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати матбуот хизмати.***

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ИМТИЁЗ МУДДАТИ ЎТГАЧ...

**Президентнинг 2007 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ПФ-3883-сон Фармони билан** Президентнинг 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон Фармони 5-бандининг қоидалари Президентнинг 2000 йил 28 апрелдаги «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-2598-сон Фармони, шунингдек Президент ва республика ҳукуматининг вақтинчалик характердаги айрим қарорларига мувофиқ божхона тўловларини тўлашдан озод этиш бўйича илгари берилган имтиёзларга уларнинг амал қилиш муддати тугагунча татбиқ этилмаслиги белгиланган.

Президентнинг баъзи ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар фақат белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технологик ускуналарга, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга, уларни етказиб бериш технологик ускуналарни етказиб бериш шартномаси шартларида назарда тутилгандагина берилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имкониятини беради.

### ВАКОЛАТЛАР ДОИРАСИ ТОРАЙДИ

**Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш мақсадида Президент 2000 йил 28 апрелда «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–2598-сон Фармонига ўзгартиш киритиш тўғрисида” ПФ-3884-сон Фармонни имзолади.** У билан вакил орган сифатида “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси ваколатларидан углеводород конларини қидириш ва разведка қилиш, нефть ва газ қазиб чиқариш учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш вазифаси чиқариб ташланди.

### МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗЛАРИ

**Президентнинг 2007 йил 22 майдаги ПФ-3879-сон Фармони билан Президентнинг 2001 йил 13 февралдаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 18 майдаги 862-аф-сонли буйруғига асосан «CHORTU AUDIT» хусусий аудиторлик ташкилотига 2004 йил 26 февралда берилган 00572-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 18 майидан тугатилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 24 майдаги 863-аф-сонли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AJUR-AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2002 йил 12 августда берилган 00462-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 24 майидан тугатилди.

***Молия вазири ўринбосари С.БЕКЕНОВ.***

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 8.06.2007 | 1 | 0,8566 | 1 | 1,1499 | 1 | 0,331 |
| Арманистон | 8.06.2007 | 1 | 345,88 | 1 | 465,9 | 1 | 13,38 |
| Беларусь | 9.06.2007 | 1 | 2146 | 1 | 2875,32 | 1 | 82,78 |
| Грузия | 9.06.2007 | 1 | 1,677 | 1 | 2,245 | 1 | 0,0647 |
| Қозогистон | 9.06.2007 | 1 | 121,09 | 1 | 162,16 | 1 | 4,67 |
| Қирғизистон | 9.06.2007 | 1 | 37,95 | 1 | 50,8245 | 1 | 1,4639 |
| Латвия | 11.06.2007 | 1 | 0,523 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0202 |
| Литва | 11.06.2007 | 1 | 2,5716 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,9238 |
| Молдова | 8.06.2007 | 1 | 12,2347 | 1 | 16,4808 | 1 | 0,4729 |
| Тожикистон | 9.06.2007 | 1 | 3,4395 | 1 | 4,633 | 10 | 1,3267 |
| Ўзбекистон | 12.06.2007 | 1 | 1261,63 | 1 | 1684,28 | 1 | 48,56 |
| Украина | 11.06.2007 | 100 | 505 | 100 | 674,1245 | 10 | 1,9479 |
| Эстония | 8.06.2007 | 1 | 11,6822 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,450221 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 12 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1059,77 | 1 Малайзия ринггити | 365,00 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2481,25 | 1 Польша злотийси | 439,62 |
| 1 Дания кронаси | 226,31 | 1 СДР | 1902,35 |
| 1 БАА дирхами | 343,53 | 1 Туркия лираси | 938,57 |
| 1 АҚШ доллари | 1261,63 | 1 Швейцария франки | 1020,41 |
| 1 Миср фунти | 221,83 | 1 евро | 1684,28 |
| 1 Исландия кронаси | 19,66 | 10 Жанубий Корея вони | 13,54 |
| 1 Канада доллари | 1187,42 | 10 Япония иенаси | 103,76 |
| 1 Хитой юани | 164,53 | 1 Россия рубли | 48,56 |
| | | 1 Украина гривнаси | 249,83 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

**вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-2810-сон Фармонига ўзгартиришлар киритилди.** Уларга кўра ушбу Фармон Президентнинг 2007 йил 6 апрелдаги «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-616-сон қарорининг меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари негизида Бандликка кўмаклашувчи марказларни ташкил этишга тааллуқли қисми билан мувофиқлаштирилади.

### АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН КВОТАЛАР

**Президентнинг 2007 йил 30 майдаги «2007/2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» ПҚ-645-сон қарори** билан давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида бакалаврлар ва магистрларни тайёрлаш бўйича талабаларни олий ўқув юртларига қабул қилишнинг кўрсатилган даврга умумий квоталари белгиланди. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йиллик амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, шунингдек, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун қабул нормалари ўрнатилди. Молия вазирлигига 2007/2008 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат, магистратура ҳамда махсус сиртқи бўлимларга белгиланган қабул квоталарини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратишни таъминлаш топширилди.

### ВОСИТАЧИНГИЗ – МАРКЕТ-МЕЙКЕР

**Адлия вазирлиги 2007 йил 26 майда 1682-сон билан Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк бошқарувининг «Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарорини рўйхатдан ўтказди.**

Маркет-мейкер – маркет-мейкерларнинг расмий рўйхатига киритилган, қимматли қоғозлар аниқ бир турининг икки ёқлама котировкасини доимо эълон қилиш ва қўллаб туриш ҳамда қимматли қоғозларнинг уюшган биржа ва биржадан ташқари бозорида мазкур хизматларни амалга оширишдан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган инвестиция воситачиси. У бир нечта эмитентларнинг қимматли қоғозлари бўйича маркет-мейкерлик хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бир эмитентнинг қимматли қоғозлари эса икки ёки ундан ортиқ маркет-мейкерлар томонидан, савдолар ташкилотчисининг қоидаларида белгиланган тартибда котировка қилиниши мумкин. Инвестиция воситачисининг қимматли қоғозлар аниқ бир тури бўйича маркет-мейкерлик хизматларини амалга ошириш учун рўйхатга киритилиши унга қимматли қоғозларнинг бошқа турлари бўйича ҳеч қандай қўшимча ҳуқуқни ёки чеклашларни яратмайди. Маркет-мейкер савдолар ташкилотчисининг пул маблағлари ва қимматли қоғозлар лимитларини таъминлаш бўйича талабларига амал қилиши шарт. Қимматли қоғозлар лимитини таъминлаш мақсадида у лимитнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қарз маблағларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Низом шунингдек маркет-мейкернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг хизматларини амалга оширишдаги чеклашлар, хизматларини амалга оширишни тўхтатиш ва тугатиш тартибини белгилайди.

**Ҳужжат 2007 йил 5 июндан кучга кирди.**

### РЕСУРСЛАР ВА ТИЗИМЛАР РЕЕСТРИ

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи** билан *(Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 майда 1646-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* **Давлат органлари ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга кўра, хусусан, «Давлат ахборот ресурсларининг реестри» тушунчаси аниқлаштирилиб, унинг номи ўзгартирилди. Эндиликда у Давлат ахборот ресурслари ва давлат органларининг ахборот тизимлари реестрига айланди.

**2007 йил 5 июндан кучга кирди.**

### ДОН КОРХОНАЛАРИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

**Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қуйидаги қарорларни қабул қилди:**

**– «Донни сақлаш, қуритиш, тозалаш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнидаги камайиш ва йўқотишларни қоплаш учун молиявий захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 майда 1683-сон билан рўйхатдан ўтказилган);**

**– «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 майда 1684-сон билан рўйхатдан ўтказилган).**

**Ҳужжатлар 2007 йил 5 июндан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2007 йил 26 майдан 8 июнгача бўлган давр учун 22-23-сонлари асосида тайёрланди.***

*Қонун ижодкорлари нималар устида ишламоқдалар*

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УЧИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

***Давлатимиз маъмурий аппарат ишини қаттиққўллик билан, қонунчилик даражасида тартибга солиш тараддудида. Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, унинг яратувчиларининг фикрича, барча даражадаги мансабдорлар хатти-ҳаракати ошкора ва адолатли, маъмурий иш юритиш эса тезкор ва очиқ-ойдин бўлишини таъминлаши керак.***

Янги қонун турли соҳаларда юзага келадиган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этилади. Бундай соҳалар жумласига *солиқ солиш ва божхона; мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва улар билан боғлиқ битимларни рўйхатдан ўтказиш; фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш; маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш; манфаатдор шахсларни рўйхатга олиш (ҳисобга қўйиш); рухсат этувчи ҳужжатлар бериш; ер участкаларини (ерлар, ер ости бойликлари, ўрмонларни) ҳамда сув объектларини фойдаланишга бериш, уларни реализация қилиш ва олиб қўйиш; субсидиялар, компенсациялар, молиявий ва бошқа хил моддий ёрдам, квоталар, кафолатлар, давлат маблағлари ҳисобидан имтиёзлар ва афзалликлар бериш; давлат мол-мулкини ёки мулкий ҳуқуқларни бошқариш; давлат фонди биноларидаги турар жойлар ва яшашга мўлжалланмаган жойларни бериш ҳамда улардан фойдаланиш; давлат пенсиялари ва нафақаларини тайинлаш, ҳисоблаб чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш; қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва афзалликларни олиш учун асос берувчи мақоми эътироф этиш; юридик аҳамиятга молик расмий ҳужжатлар бериш ва бошқа* соҳалар киради.

Янги қонунга маҳаллий давлат бошқаруви ва ижро этувчи ҳокимият органлари, турли ваколатли комиссиялар, давлат бошқарувининг муайян масалаларини ҳал этиш учун махсус ташкил этиладиган ва тегишли ваколатларга эга бўлган инспекциялар, қўмиталар ҳамда бошқа бўлинмалар бўйсундирилади. Бундан ташқари қонуннинг амал қилиш доирасига давлат-бошқарув хусусиятига эга бўлган вазифаларни амалга оширувчи нодавлат ташкилотлари ҳам киради. Агар маъмурий ишни ҳал этиш бир пайтнинг ўзида бир неча муассасанинг ваколат доирасига кирса, тайёрланаётган мазкур қонун ҳужжатига биноан аризачи қайси муассасага мурожаат этган бўлса, шу муассаса ёки муайян маъмурий иш юритиш қайси муассаса ташаббуси билан қўзғатилган бўлса, шу муассаса ваколатли орган деб ҳисобланади. Мазкур норма фуқароларни у идорадан бу идорага сарсон қилиш билан боғлиқ тўрачилик эҳтимолларини истисно этмоқда.

Лойиҳа маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий қоидаларини белгиламоқда. Хусусан унда ишларнинг ҳудудий ва соҳа бўйича тааллуқлилиги, маъмурий иш юритишда ҳуқуқий ворислик ва вакиллик масалалари, бундай иш юритишни амалга ошираётган мансабдор шахсларни асослантирилган тарзда рад қилиш имкониятлари, далилларни тўплаш ва баҳолаш, маъмурий иш юритишни тўхтатиб қўйиш, тиклаш ва тугатиш, унинг натижалари устидан шикоят бериш муддатлари ва шартлари, шунингдек маъмурий йўналишдаги ҳужжатларни ижро этиш билан боғлиқ масалалар ўз мужассамини топди.

Қонунан бошқа муддатлар билан чекланмаган ҳаракатлар учун маъмурий иш юритишнинг энг узоқ муддати ўттиз кунни ташкил этади. Тўғри, лойиҳанинг матнидан бунда календарь кунлар назарда тутилаётирми ёки иш кунлари назарда тутилмоқдами, аниқ эмас. Бу масала жуда муҳим, шу боис учинчи ўқишга қадар уни аниқлаштирилмоқ лозим.

Янги қонуннинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва судларда кўрилаётган ишлар билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилмайди.

**Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракцияси аъзоси Собир ЖАББОРОВ:**

- Ҳар биримиз у ёки бу муассасага умид билан мурожаат этамиз, бизни қийнаб турган масала, у лицензия олиш, ер участкаси ажратиш ёки қонунга асосланган бошқа ҳар қандай ҳаракат бўлсин, барибир ортиқча сансалорлик ва муаммоларсиз ҳал бўлади деб ўйлаймиз.

Бизда ҳозирга қадар индивидуал хусусиятдаги ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш тартиби ва босқичларини расамадга солувчи, қонунан мустаҳкамлаб қўйилган ягона қоидалар йўқ. Бу борадаги айрим очиқ, кемтик жойлар муайян юридик ҳужжатлар - баъзан бир-бирига зид бўлган идоравий йўриқномалар, қоидалар билан тўлдирилган, холос. Шуниси ҳам борки, бундай кезларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиш имконияти кўпроқ, чунки мавжуд маъмурий тартиб-таомиллар кимларнингдир ҳуқуқларини ҳимоя этишдан кўра кўпроқ идоравий манфаатларни ҳимоя қилишга йўналтирилгандир.

Қонун лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган. Лойиҳа давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш концепциясининг 3.5-бандига мувофиқ тайёрланди[1].

Лойиҳа саккиз боб ва 71 та моддадан иборат бўлиб, бир тарафдан, давлат тимсолида унинг кўпдан кўп органлари ва иккинчи тарафдан, фуқаролар билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни жуда пухта ҳуқуқий тартибга солиш имконини беради.

Бу соҳа жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатларида, хусусан Япония, АҚШ, ГФР, Голландия ва бошқа мамлакатларда қонунчилик асосида тартибга солинади. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунлар жаҳон амалиётида турли моделлар ва принципларга асосланади. Қонун лойиҳамизни яратувчилар уларнинг бизнинг шароитимиз учун энг маъқул ва мақбул жиҳатларини танлаб олдилар ва, назаримда, дуруст мослаштирдилар.

**Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Фахриддин РАЖАБОВ:**

– Қонун лойиҳасида ижро этувчи ҳокимият билан фуқароларнинг муносабатлари асосини белгилаб берувчи қуйидаги теран принциплар таърифлаб берилган:

- маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда юзага келадиган муносабатларнинг барча иштирокчилари тенглиги;
- бундай ишларни кўриб чиқиш қоидалари ва амалиёти ошкоралиги, аҳолининг улардан имкон қадар кўпроқ хабардорлиги. Буни энг асосий, ўзак қоида дейиш мумкин. Айрим маъмурий тартиб-таомилларни расамадга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари айни шу йўналишда кемтик ва камчиликларга эга;
- маъмурий тартиб-таомиллар арз қилувчилар учун имкон қадар қулайроқ қилиб тузилган. Масалан, лойиҳада арз қилувчини исботлаб бериш ташвишидан холи этиш ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб берилмоқда. У тақдим этган маълумотлар, агар органнинг ўзи аксини исботлай олмаса, ишончли деб ҳисобланади;
- маъмурий ҳужжатни ижро этишнинг қатъий муддатлари, уни мажбурий ижро этиш чоралари қўлланиши, арз қилувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи маъмурий органларнинг ҳаракатлари (аризани қабул қилишни рад этиш, ариза юзасидан қарор қабул қилмаслик ва шу сингарилар) устидан шикоят бериш ҳуқуқи.

Янги қонуннинг қабул қилиниши маъмурий ишларни юритиш очиқ-ойдинлигини таъминлайди ҳамда маҳаллий давлат бошқаруви ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ишини яхшилайди.

***Юлия ЯШИНА,***
***махсус мухбиримиз.***

[1] *Мамлакат Президентининг “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”-ги 2005 йил 10 мартда қабул қилинган ПҚ-24-сон қарорининг 2-иловаси.*



# ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

**БОШ БУХГАЛТЕР КУТИЛМАГАНДА ИШДАН БЎШАШ ҲАҚИДА АРИЗА БЕРИБ, ОРАДАН ИККИ ҲАФТА ЎТГАЧ, ИШЛАРНИ ҲЕЧ КИМГА ТОПШИРМАСДАНОҚ ИШГА ЧИҚМАЙ ҚЎЙДИ. ШУНДАЙ ВАЗИЯТЛАРДА ДИРЕКТОР НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?**

● **Роҳила Нурмуҳамедова:**

– Ростини айтсам, йилнинг бошларида шундай вазиятга тушиб қолдим: бухгалтерим айни шундай иш тутди... Маълумотим бўйича бухгалтер эканлигим, шу пайтгача бухгалтериянинг жамики ишларини бухгалтер билан биргаликда бошқариб келганим қўл келди.

Ҳисоботларни вақтида топширдим...

Бизга иш берувчилар кўпинча шунга ўхшаш муаммолар билан мурожаат қилиб туришади. Афсуски, бухгалтерларнинг жуда оз қисми ўз вазифасига виждонан муносабатда бўлади. Кўпчилиги эса, одатда, орқа-ўнгига қарамайди, имкон бўлиши билан ҳаммасини ташлаб қочади.

Аммо бурчини яхши биладиган бухгалтерлар ҳам бор, улар энг охирги ҳужжатни топширмай, барча ҳисоботларни тахт қилмай туриб, иш жойидан бир қадам ҳам нари жилмайди.

Менимча, бундай вазият келиб чиқмаслиги учун бухгалтерияда бир ёқадан бош чиқариб ишлайдиган бир неча киши бўлиши керак. Бирон сабаб билан битта бўғин четга чиқиб қолгудек бўлса, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб олиши ва иш одатдаги маромда давом этавериши лозим.

● **Юридик фирма директори Турсуной:**

– Узоқ вақт йирик корхоналарда бош бухгалтер, молиявий директор бўлиб ишлаганман. Бошқа жойга ишга ўтаётганимда аввало солиқ инспекциясига бориб, молиявий-иқтисодий фаолиятимизни текшириб беришларини сўрардим (ўша кезлари шундай имконият бўларди, ўйлашимча, ҳозир ҳам ихтиёрий равишдаги текширув ўтказиш ҳуқуқини жорий этиш мақсадга мувофиқдир). Ижобий хулоса олганимдан кейингина корхонадан тинч, хотиржам кетардим. Ҳар эҳтимолга қарши, кейинчалик ортимдан гапириб, таъна қилиб юрмасликлари учун текширув далолатномасидан ўзимга битта нусха олиб қолардим. Ана шунда кўнглим тўқ бўларди.

Ёв қувгандек ишдан кетиш энг аввало жамоадан кетаётган одамнинг ўзи учун хатарлидир. Чунки бундай вазиятда директор янги бош бухгалтерни қидириш билан бир вақтда кетган одамнинг зиммасига қайси гуноҳларни «илиб» юбориш мумкинлигини ўйлаб қолиши ҳам мумкин.

● **Директор Саодат Юсуповна:**

– Агар бош бухгалтер қонун ҳужжатларига биноан ишлаб бериши шарт бўлган муддатда, яъни икки ҳафта олдин ишдан бўшаш ҳақида ариза берган бўлса-ю, ана шу муҳлат мобайнида ишларни унинг вазифасини бажариб турадиган одамга топширишга улгурмаган бўлса, айб директорда. Чунки у, биринчидан, вақтинча бўлса ҳам шу вазифани бажариб туришга зарур номзод топа билмади, иккинчидан, бош бухгалтер моддий жавобгар шахс эканлигига қарамай, ишларни қабул қилиб олиш-топшириш таомилини ташкил этмади. Ишдан кетаётган бухгалтерга унинг ўрнини эгаллайдиган шахсга барча ишларни топширган тақдирдагина меҳнат дафтарчасини беришади. Ҳамонки ишлар топширилмаган экан, унинг мазкур корхонадаги (ташкилотдаги) иш муддати ўз-ўзидан зарур мутахассис топилгунга қадар узайтирила беради. Такрор бўлса ҳам айтаман, ходимга муносиб ўринбосар топилмаган экан, бутун айб унинг бошлиғи гарданига тушади.

● **Юрист Лобар Абдуллаевна:**

– Бош бухгалтер юқорида айтилган тарзда ишдан кетаётган ташкилот раҳбари икки ҳафта ичида ўша бухгалтерияда ишлайдиган бирон шахсга ишларни топшириш-қабул қилиб олиш таомили ўтказилишини назорат қилиши ва ходимни ишдан озод қилиш тўғрисида буйруқ чиқариши керак. Бордию, ана шу таомил ўтказилмаган бўлса, қоидани бузиш деб ҳисобланиши керак. Бундай кезларда эса қуйидагича иш тутилади. Агар ташкилотнинг локал ҳужжатларида ёки меҳнат шартномасида бош бухгалтер лавозими вазифаларига тааллуқли бирон-бир шартлар назарда тутилган ёки писанда қилинган бўлса, бу шахсни ишдан бўшаб кетгунга қадар интизомий жавобгарликка тортиш мумкин.

Меҳнат дафтарчасини бериш масаласи эса қуйидагича ҳал этилади. Кўпгина корхоналарда ишдан бўшашда тўлдириладиган қарзи йўқлик варақаси мавжуд. Ишдан бўшаётган ходим шу қоғоз асосида ўзидаги моддий қимматликларни топширади, шундан кейингина унинг қўлига меҳнат дафтарчасини беришади. Қонун ҳужжатлари кадрлар билан шуғулланиш хизмати вакилларига ишдан бўшаган одамга меҳнат дафтарчасини вақтида бериш мажбуриятини юклайди. Аммо ишларни қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси тузилмаган бўлса, бу ҳол ходим меҳнат дафтарчасини олишига монелик қилади, унинг ишга чиқмаганлиги тегишинча меҳнат интизомини бузиш тарзида талқин этилади.

Ишдан бўшаётган ходимга тенг келадиган одам топиш учун қонун ҳужжатларида икки ҳафта мажбурий ишлаб бериш муҳлати назарда тутилган. Ана шу фурсат мобайнида раҳбарият бўшаётган вазифага янги ходим топиши ёки бўшаётган ходимнинг вазифасини вақтинча бажарадиган одам тайинлаши керак.

Агар бухгалтер масъулиятни ҳис этадиган, ҳалол ва виждонли одам бўлса, қабул қилиб олиш-топшириш жараёнидан онгли равишда ўзини четга олмаслиги турган гап. Одатда барча бухгалтерлар буни рисоладагидек қилишга, мавжуд моддий қимматликларни текшириб, керакли далолатнома тузишга ҳаракат қиладилар.

● **Корхона директори Валижон Эргашевич:**

– Бухгалтернинг кутилмаганда ишдан кетиши мураккаб масала. Биринчидан, унинг меҳнат дафтарчаси директорда сақланмоғи керак. Масалан, мен бухгалтеримнинг меҳнат дафтарчасини сейфда сақлайман, менинг ихтиёримсиз уни ҳеч ким ололмайди. Ишдан бўшаётган одам меҳнат дафтарчасисиз нима ҳам қила оларди? Бошқа ишга киришда усиз ҳеч нарса қилолмайди. Иккинчидан, ўз вазифасига бундай муносабатда бўлиш, хизмат билан боғлиқ ишларини бўлганича бўлди қабилида ташлаб кетиш ходимнинг обрўсига путур етказиши мумкин. Мен муаммо тинч йўл билан ҳал этилиши тарафдориман. Мабодо ходим ишдан кетиши ҳақида олдиндан огоҳлантирган ва ариза ёзган бўлса, дарҳол унга тенг келадиган мутахассис қидираман.

Ишларни қабул қилиб олиш-топшириш таомили ўтказилмаган бўлса, аудитор ёллаш керак. Аудитор ҳаммасини синчковлик билан текшириб, вазиятни изга солишга кўмаклашади. Бир гал бизда ҳам шундай бўлган эди. Ўшанда бошқа бухгалтерни ишга ёлладик, аудитор чақириб, ҳужжатларни кўтардик, ҳаммаси текширилди. У ёғига иш ўз маромида кетаверди. Хуллас, бу аслида ҳал қилса бўладиган масала. Юқорида айтилган вазият, шубҳасиз, анчагина кўнгилсиз иш. Ишхонада фаолият давом этар экан, кунига қанчадан-қанча ҳужжатларни расмийлаштириш талаб этилади, банк деганларига ҳам бош бухгалтернинг имзоси керак. Иложсиз нарса йўқ деганларидек, бундай вазиятдан ҳам чиқиш мумкин.

Яхши ходимнинг ўрнини боса оладиган одам топиш қийинроқ. Ҳозирги кунда исталган газетани олинг, иш қидираётган бухгалтерларга доир қанчадан-қанча эълонни ўқийсиз. Шунга қарамай, ишини дўндириб бажариб келган бухгалтернинг ўрнига ўшандай масъулият билан ишлайдиган одам топиш қийин, аниқроғи мумкин эмас. Дуч келган одамни бу лавозимга олсанг, кейин аттанг деб қолишинг мумкин. Бош бухгалтерни топиш, унинг имзосини банкда расмийлаштириш ва бошқа жорий ишларни бир-икки кунда қилиш мумкин. Лекин ишига чинакам масъулият билан қарайдиган одамни топиш катта муаммо.



● **Бош бухгалтер Нодира Миробидовна:**

– Ўзимни ана шундай вазиятда тасаввур ҳам қила олмайман. Директоримиз, шундай бўлган тақдирда, жуда норози бўлган, бошқа ҳар қандай ходим тўғрисидаги фикрини терс тарафга ўзгартирган бўлур эди. Биринчи навбатда у ўзига тезроқ янги бош бухгалтер топиш ҳаракатини қилган бўлур эди, албатта. Бу масалага теранроқ қаралса, шунча йил ишлаган ташкилотини ошиқич тарзда тарк этаётган одамнинг ўрнида мен бўлсам, даставвал ҳамма ишни батартиб қилиб қўйган бўлардим. Ана шунда мендан кейин ишлайдиган бош бухгалтер қийналиб ўтирмасди, жорий иш аҳволини тезгина ўзлаштириб олган бўлур эди.

Корхона ишларини бир неча марта айни шу тахлит, миридан-сиригача ўрганишга тўғри келган. Ҳаммаси тартибга келтирилиб, менга топширилган тақдирда ҳам баъзан олдинги бош бухгалтернинг маслаҳати керак бўлади. Чунки ҳар қандай ташкилотнинг ишида ўзига хос хусусиятлар бор, айтайлик, ҳужжат ва товар айланиши схемасини аниқ билиш керак. Ана шу нозик жиҳатларни билмаслик оқибатида кўп вақтни бой бериш мумкин.

● **Бош бухгалтер Гулнора Шараповна:**

– Бош бухгалтер моддий жавобгар шахс бўлганлиги сабабли юқорида айтилган ҳолатда ходими «кўчиб қолган» фирма учун катта муаммолар келиб чиқиши мумкин. Раҳбарият, масалан, вазиятни бош бухгалтер билан моддий воситаларни қабул қилиб олиш-топшириш таомили амалга оширилмаганлиги нуқтаи назаридан тасаввур этиши мумкин. Кейинчалик солиқ текшируви вақтида бирон-бир молиявий муаммо, яъни камомад, моддий воситаларнинг талонтарож қилинганлиги аниқланиб қолса ёки иш қўзғатилиб судга ошириладиган бўлса, ишдан бўшаб кетган ўша шахсга жиноий жавобгарлик таҳдид солади. Бизнинг касбимизда баъзан ишга бепарволик билан қараш, солиқларни яшириш ҳоллари учраб қолади. Булар эса, табиийки, қонунни бузиш ҳисобланади.

Бироқ ишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда кетиш мумкин. Муҳими, икки ҳафта олдин бу хусусда раҳбарият огоҳлантирилган бўлса бас. Ҳамма ишлар батартиб бўлса, катта муаммо келиб чиқади деб ўйламайман. Негаки, бош бухгалтернинг ёнида деярли ҳамиша ўринбосари бўлади. Шу ўринбосар бошлиқлар бош бухгалтерликка муносиб одам топгунларига қадар унинг вазифасини вақтинча бажариб туриши мумкин. Бугунги кунда кўпгина мутахассислар, шу жумладан иш стажи ва тажрибаси катта мутахассислар ҳам ўз касби бўйича иш қидириб юришибди.

Бош бухгалтерни четдан одам топиб келиб алмаштириш эса бутунлай бошқа масала. Бир сафар солиқ текшируви вақтида бетоб бош бухгалтеримиз ўрнига ишлаб туришимга тўғри келганди. Ҳисоб-китобнинг жамики якунларини ўзим чиқардим, ҳамма ишни ўзим қилдим. Гапнинг рости, қийин бўлди, чунки ҳужжатлар бош бухгалтернинг сейфида эди. Сейфни бир амаллаб очдик. Яна бир томони, ўшанда эндигина институтни тамомлаган эдим, шунинг учун бўлса керак, менга янада оғирроқ бўлганди.

● **Хусусий корхона директори Рашид Ирисматов:**

– Тўғри, ҳар хил воқеалар бўлади, шу жумладан ёқмайдиган ҳодисалар ҳам учрайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бир иложини қилиш, йўлини топиш мумкин. Юқорида айтилган вазият келиб чиққани учун раҳбарни айбдор деб биламан. Демак, у ташкилотининг молия соҳасини номуносиб одамга, исталган вақтда, раҳбариятни доғда қолдириши мумкин бўлган одамга ишонган. Ҳамонки, бухгалтерингиз кутилмаганда жуфтакни ростлаб қолган экан, ишларингизни бир текшириб кўринг. Буниси назорат қилувчи органлар келиб аниқлаганига қараганда яхшироқдир.

Лекин бирон иллати бўлса, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, икки ҳафта ишлаб ўтирмасданоқ, айни вақтда рисоладагидек расмийлаштирилган меҳнат дафтарчасини ёнига солиб (кўпгина фирмаларда кадрларга оид масалалар билан бухгалтерия шуғулланиши сир эмас, бунинг устига муҳр ҳам бухгалтернинг сейфида сақланади) жўнаб қолади. Сиз айтган бухгалтер эса ариза бериб, белгиланган тартибга мувофиқ икки ҳафта ишлаб, ишдан кетган экан, бунга асос бўлса керак. Балки унга сизлардаги меҳнат шароити ёқмагандир, бошқа ерда тузукроқ иш ҳақи, яхшироқ меҳнат шароити ваъда қилишгандир. Агар шундай бўлса, яхши ходимни қўйиб юборганингиз маъқул. Эҳтимол қонун ҳужжатларига зид талабларингиз, беҳурмат муносабат ва шунга ўхшаш бошқа важлар унинг ишдан кетишига аҳд қилишига сабаб бўлгандир. Мабодо шундай бўлса, ўзингиздан кўринг. Турмушга чиққанлиги, бошқа жойга кўчиб кетаётганлиги, невараларига қараб ўтиришни мўлжаллаётганлиги сингари шахсий сабаблар оқибатида шундай қилган бўлса, вазиятни тўғри тушуниб, обрўсини жойига қўйиб ҳолда хайрлашинг.

Бундай вазиятлардан холи бўлиш учун бош бухгалтер лавозимигагина эмас, балки бошқа лавозимларга ҳам муносиб ворис тайёрлаб боришни ўйлаш керак. Бу аввало одамларга меҳнат таътилини вақтида бериш, зиммасидаги топшириқларини бирмунча енгиллаштириш имконини беради. Қолаверса, бош бухгалтерга дов-дастгоҳни йиғиштиришга ҳожат бўлмайди.

***Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.***

## КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:



**ДИРЕКТОР КУТИЛМАГАНДА ИШДАН БЎШАБ КЕТГАН БУХГАЛТЕР ЎРНИГА БОШҚАСИНИ ТОПДИ. ЯНГИ БУХГАЛТЕР ИШЛАРНИ ЎРГАНИБ ЧИҚАР ЭКАН, ЎТМИШДОШИ ОЗ-ОЗДАН БЎЛСА ҲАМ АНЧА-МУНЧА МАБЛАҒНИ ЎЗЛАШТИРИБ ЮБОРГАНЛИГИНИ АНИҚЛАДИ. БУНДАЙ ВАЗИЯТЛАРДА РАҲБАР ҚАНДАЙ ИШ ТУТМОҒИ КЕРАК?**

Жавобларингизни **144-44-45** факси ёки **normapress@mail.ru** электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.
Сўровимизнинг энг фаол иштирокчилари ярим йиллик якунлари бўйича таҳририятнинг махсус соврини билан мукофотланадилар.
***Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.***

# БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯ СОЛИҚ ТЎЛАШНИ ХОҲЛАЙДИ

**?** ***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5-сон ва 2006 йил 25 июлдаги «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-425-сон қарорларига кўра хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва ихтисослашган бошқарувчилар – хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг сервис ташкилотлари улар томонидан уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш хизматларини кўрсатиш чоғида умумбелгиланган солиқлардан ҳам, ягона солиқ тўловидан ҳам озод қилинганлар. Яъни, бошқарувчи ташкилотлар бошқа ташкилотлар билан ишлаш пайтида ягона солиқ тўловини тўлашлари мумкин, бироқ ДСИга мурожаат этганларида бошқарувчи ташкилотларнинг ягона солиқ тўловига ўтишларига йўл қўймайдилар, бунда бошқарувчи ташкилотлар ҳам ХУМШ сингари ХХТУТ 90190 кодига эга эканликлари рўкач қилинади.***

***Тушунтириб берсангиз: статистика бошқармаси бошқарувчи ташкилотларга 90190 ёки 90110 кодини эмас, балки таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари кодини бериши мумкинми? Ахир улар ҳақиқатда кўп хонадонли уй-жойларни капитал таъмирлаш ва иссиқлик ҳамда сув таъминотига техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланадилар.***

**Валентина, иқтисодчи.**

– Амалдаги қонунчиликнинг меъёрларига кўра таъмирлаш-қурилиш ташкилотларининг коди, агар ташкилотнинг асосий фаолият тури:

– ноишлаб чиқариш мақсадидаги биноларни таъмирлаш ва қуриш (ХХТУТ 63100);

– аҳолининг буюртмалари бўйича турар жойларни (квартираларни) таъмирлаш ва қуриш (ХХТУТ 63200) бўлса, берилиши мумкин.

Агар корхонангиз асосий фаолият тури юқорида кўрсатилганларнинг бирортасига ўзгартирса, берилган ХХТУТ кодини таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари кодига ўзгартириши мумкин. Чунончи, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низом *(Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган)* 36-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилишича, тадбиркорлик субъекти – юридик шахснинг асосий фаолият тури ва унда банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони СОЯДРга ўзгартишлар киритишга олиб келадиган даражада ўзгарган тақдирда давлат статистика органлари тадбиркорлик субъектини жалб этмасдан, қонунчиликка мувофиқ тақдим этиладиган йиллик статистик ҳисобот асосида тегишли ўзгартиришлар киритадилар ва бу ҳақда рўйхатга олиш органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва тадбиркорлик субъектини хабардор қиладилар. Бундан статистика бошқармаси юридик шахснинг ХХТУТ кодини ўзгартириш ҳуқуқига эгалиги, бироқ фақат тақдим этилган йиллик статистик ҳисобот асосидагина ўзгартира олиши кўринади.

Агар ташкилотингиз уй-жой мулкдорлари ширкатларининг унинг асосий фаолият турига мувофиқ келмайдиган кодига (ХХТУТ 90190) эга бўлса, субъект уни юқорида кўрсатилган тартибда ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлади.



Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган,* **бундан кейин – Низом)** 5-бандига кўра кичик тадбиркорлик субъектлари ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқига эгалар. 7-банднинг «в» кичик бандида белгиланишича, юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналарга тегишлилигини аниқлашда юридик шахснинг асосий (соҳа) фаолият турига тўғри келадиган ишчилар сонининг мезони қабул қилинади. Шу тариқа, агар ташкилотга ХХТУТ 90110 коди берилган бўлса, Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясига *(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарори билан тасдиқланган)* кўра, башарти корхонангиздаги ходимлар сони 25 кишидан ошмаса, у кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланиши мумкин. Низомнинг 7-бандига кўра ходимларнинг сони ҳисобот даври учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади, уни аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ишчилар, шунингдек унитар (шуъба) корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишлаётганлар сони ҳам ҳисобга олинади.

Юқорида кўрсатилган шартларга риоя қилинганда сиз асосий бўлмаган фаолият тури бўйича ягона солиқ тўловининг тўловчиси ҳисобланишингиз мумкин. Бу ҳолда шуни эътиборда тутиш лозимки, Низомнинг 18-бандига кўра ягона солиқ тўловининг турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўлови тўловчилари шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва тўловчининг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари шарт.

Низомнинг 10-бандида ҳам белгиланганидек, микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқ солишнинг ягона солиқ тўлови тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган тартибдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашни танлашга ҳақли. Бинобарин, агар ходимлар сони бўйича ташкилот кичик тадбиркорлик субъектларига кирса, **солиқ органларининг ташкилотни асосий бўлмаган фаолият тури бўйича ягона солиқ тўловини тўлашга ўтказишдан бўйин товлаши** нотўғридир.

# НОН ВА ХАМИРТУРУШ СИЗГА

**?** ***Корхонамиз нон ёпадиган ёпиқ акциядорлик жамияти ҳисобланади. Банкда иккита ҳисоб-китоб рақамимиз очилган, тегишли муҳр ва штампларимиз бор. Россия ва Туркманистон билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида, ун ва хамиртуруш маҳсулотини харид қилиш учун пул маблағларини конвертациялаб, нон ёпиш ва сотиш ҳуқуқига эгамизми?***

**М.Ҳамроев, АЖ раиси.**

– Қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чегарадош давлатлардан ун ва хамиртуруш маҳсулотини олиб кириш бўйича чеклашлар назарда тутилмаган. Корхонангиз тузмоқчи бўлган битим импорт шартномаси ҳисобланиши боис, уни албатта ваколатли банк* ва божхона органларида ҳисобга қўйиш зарур.

**Шартномани банкда ҳисобга қўйиш учун,** Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг *(МБ бошқаруви, ИВ, МВ ва ДБҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 4 октябрда 1514-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 3-бандига кўра импортчи ваколатли банкка белгиланган шаклда ариза; шартноманинг асл нусхаси ва кўчирма нусхаси; уч нусхада импорт битими паспортини тақдим этиши зарур.

Тақдим этилган ҳужжатлар қонун билан белгиланган талабларга мувофиқ келса, шартноманинг асл нусхаси ва унинг кўчирма нусхасининг ҳар бир варағига ҳамда импорт битими паспортининг уч нусхасига ташқи савдо шартномаларини ҳисобга олиш ва улар ижросини назорат қилиш бўлинмаси бошлиғининг имзоси ва банк штампи қўйилади, импортчига шартномага идентификация рақами берилганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

Кўрсатилган ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин 7 кун мобайнида корхонангиз **импорт шартномасини божхона органларида ҳисобга қўйиши** лозим. Чунончи, Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг *(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган)* 3-банди билан белгиланишича, бунинг учун импортчи ДБҚ ҳудудий бошқармаларининг валюта назорати бўлимларига ариза; шартноманинг асл нусхаси ва унинг кўчирма нусхалари, шунингдек (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда) импортчи юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг шартнома шартларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан хулосаси; КТУТ карточкалари, СТИР, устав, таъсис шартномаси нусхалари (биринчи марта мурожаат қилганда); ваколатли банк томонидан бериладиган, шартномага идентификация рақами берилганлиги тўғрисида маълумотнома; белгиланган тартибда 2 нусхада расмийлаштирилган импорт битишуви паспортини тақдим этиши керак.

Ушбу шартномада назарда тутилган унни харид қилиш



учун, Биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани харид қилиш ва сотиш операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг *(Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган)* 27-бандига кўра ваколатли банк корхонангизга махсус валюта ҳисобрақамини очиш керак, валюта бозорида харид қилинган хорижий валюта ушбу ҳисобрақамга ўтказилади. Бунинг учун корхонангиз Низомнинг 31-бандига мувофиқ банкка Марказий банк томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича конвертацияга буюртманома ва хорижий ҳамкор билан тузилган шартнома нусхасини тақдим этиши керак. Бундан ташқари, у ваколатли банк билан хорижий валютани харид қилишга алоҳида шартнома ҳам тузиши зарур, унга асосан банк хорижий валютани биржадан ташқари валюта бозорида харид қилади. Юқорида кўрсатилган усул билан махсус валюта ҳисобрақамларига ўтказилган маблағлардан корхона қатъиян мақсадга кўра – тузилган шартнома (импорт контракти)га мувофиқ фойдаланиши керак. Шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютани харид қилиш бўйича операцияларни ўтказишнинг мажбурий шарти бўлиб ваколатли банкда уни харид қилиш учун етарли миллий валютада резерв қилинган пул маблағларини ҳажмининг мавжудлиги ҳисобланади.

Импорт қилинаётган товарларга тўлов, 1514-сон Низомнинг 8-бандига кўра, импортчилар томонидан ваколатли банкларда хорижий валютада очилган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамларида банк ўтказмаси билан, ҳисоб-китобларнинг аккредитив ёки инкассо шакллари бўйича амалга оширилиши мумкин.

Корхонангиз фақат вилоят Нон маҳсулотларини тайёрловчилар акциядорлик уюшмаси томонидан берилган тегишли рухсатнома мавжуд бўлгандагина олиб келинган ундан нон ёпишга ҳақлидир. Бунинг учун Юридик ва жисмоний шахсларга нон ҳамда нон-булка маҳсулотларини ёпишга рухсатномалар бериш тартибининг *(Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 22 ноябрда 192-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 2-бандига кўра кўрсатилган органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур: буюртманома, таъсис ҳужжатларининг (таъсис шартномаси ёки устав) нотариал тасдиқланган нусхалари, Давлат санитария назорати хизмати томонидан берилган санитария паспорти, ун ёки дон республикадан ташқарида харид қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (шартнома, божхона декларациялари ва ҳоказо) нусхалари, тайёрланаётган маҳсулотга мувофиқлик сертификати, рухсатнома берилганлиги учун йиғим тўлангани тўғрисида ҳужжат**.

Нон, нон-булка маҳсулотларини тайёрлашга рухсатнома бир йил муддатга берилади. Хоҳишингизга кўра у яна шунча муддатга узайтирилиши мумкин. Рухсатномани узайтириш ёзма шаклда берилади.

** 1514-сон Низом 1-бандининг еттинчи хатбошисига кўра ваколатли банк – хорижий валютада операцияларни ўтказишга ЎзР Марказий банкининг лицензиясига эга бўлган, унда импортчи томонидан хорижий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақами очилган тижорат банки.*

*** Рухсатнома берилганлиги учун йиғим, юқорида кўрсатилган Тартиб 2-бандининг иккинчи хатбошисига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида ундирилади.*

***Саволларга эксперт-юрист Ада ЦОЙ жавоб берди.***

# СУТ СОТУВЧИГА СЕРТИФИКАТ

***?*** ***Мен сут маҳсулотини қайта ишлаш билан шуғулланаман ва қаймоқ, сузма, творог сотаман, санэпидемстанция маълумотномасига эгаман. Солиқ инспекцияси ходимлари мендан қайта ишланган сут маҳсулотига сертификат талаб қилишяпти. Давлат стандарти органларида менга тушунтиришларича, агар маҳсулотим қадоқланмаса, уни сертификатсиз сота оламан. Бироқ солиқчилар сертификатсиз савдо қилиш мумкин эмас деб таъкидлашмоқда. Мен сертификат олишим керакми?***

**Якка тартибдаги тадбиркор.**

– **Биринчидан,** «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун *(1997 йил 30 август 483-I-сон)* 6-моддасининг биринчи қисмига кўра **озиқ-овқат маҳсулоти** ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналар озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигига доир нормалар ва қоидалар талабларига мослиги баҳоланганидан ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин **ишлаб чиқарилиши,** республика ҳудудига олиб кирилиши, **реализация қилиниши ва ишлатилиши** мумкин. Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ бундай рўйхатдан ўтказиш давлат санитария назорати органлари томонидан гигиена сертификати бериш чоғида амалга оширилади. Саволингиз мазмунидан сизда ана шундай сертификат (санэпидемстанция маълумотномаси) бор кўринади.

**Иккинчидан,** озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш ва сотиш учун фақат гигиена сертификатининг бўлиши етарли эмас. Юқорида айтилган қонун ҳужжатининг 7-моддасига кўра стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш органлари томонидан унинг амалдаги қонунчилик нормаларига ва қоидаларига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида унга мувофиқлик сертификатини олиш зарур. Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига кўра *(Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарорига 2-илова)* сиз ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳам киради, ТИФ ТН 0401-:-0406 кодлари* билан қамраб олинадиган **сут маҳсулоти** мажбурий тартибда **мувофиқлик сертификатига эга бўлиши керак.** Шу тариқа, сиз ўз маҳсулотингизни сотиш ҳуқуқи учун мазкур ҳужжатни олишингиз зарур.

** Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхати қуйидаги позицияларни ҳам ўз ичига олади:*

| | |
|---|---|
| 0401, 0402, 0404, 0405 | Сут, сут зардоби, шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи моддалар қўшган ва қўшмаган ҳолда қуюлтирилган ва қуюлтирилмаган сливкалар..., қуйидагилардан ташқари: |
| 0405 10 | сариёғ |
| 0405 20 300 | ёғлилиги 60%дан ортиқ, лекин 75%дан кам бўлмаган сут пасталари |
| 0403 | Ардоб (ёғи олинган сут), ивиб қолган сут ва сливка, йогурт, кефир ҳамда бошқа ачиган ёки ивитилган, қуюлтирилган ёки қуюлтирилмаган сут ва сливкалар |
| 0406 | Пишлоқ ва творог |

***Артём АДЕЕВ, эксперт-юрист.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СУД ИЖРОЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ХАТЛАНГАН МОЛ-МУЛКЛАРНИ БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ БАҲОЛОВЧИЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРАДИ

**1. Умумий шартлар**

Танлов ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади – ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи баҳоловчиларни танлаб олиш.

Баҳоловчиларни танлаб олиш очиқ танлов шаклида амалга оширилади.

Буюртмаларни кўриб чиқиш ва баҳоловчиларни танлов ғолиби деб топиш танлов Комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан амалга оширилади.

Ижро ҳужжатларига асосан сотиладиган мол-мулкни баҳолашни амалга ошириш учун танловда ғолиб бўлган баҳоловчи ва тегишли Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси ўртасида бир йил муддатга шартнома тузилиши лозим.

**2. Аризачиларга қўйиладиган талаблар:**

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган баҳоловчиларга (кейинги ўринларда – талабгорлар) қуйидаги талаблар белгиланади:

– баҳолаш фаолиятини амалга оширишга рухсат берадиган лицензия;

– талабгорнинг қониқарли молиявий аҳволи;

– мол-мулкни баҳолаш бўйича олти ойдан кам бўлмаган иш тажрибаси.

**3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:**

– танловда иштирок этиш учун ариза;

– давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

– баҳолаш фаолиятини олиб боришга рухсат берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Юридик шахс бўлган талабгорлар юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидагиларни тақдим этиши лозим:

– ташкилот Уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси, унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар билан бирга;

– ўтган йил учун ваколатли органларга тақдим этилган бухгалтерлик балансларнинг (шакл №1 ва №2) нусхаси.

Шунингдек, талабгорлар бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли.

Буюртма ва унга илова қилинган ҳужжатлар ташкилот номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса унда унинг ваколатларини тасдиқловчи тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Буюртмага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

**4. Аризачилар томонидан тақдим этилган буюртма ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби.**

Буюртмаларни қабул қилиш Комиссия ишчи гуруҳи – Суд департаментининг статистика ва таҳлил бўлими томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатлар ишчи гуруҳга шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган ва муҳрланган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича «Ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи баҳоловчиларни танлаб олиш танлови»га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи гуруҳ улар рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Танловда ғолиб деб топилган баҳоловчиларнинг ҳужжатлари қайтарилмайди.

Буюртмалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментида **100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқ томони 13 «а» уй** манзили бўйича қабул қилинади.

Танлов **2007 йил 12 июль** куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти биносида бўлиб ўтади.

Ҳужжатларни қабул қилиш конкурс бошланишидан **5 кун** олдин тугатилади.

Мазкур эълоннинг 3 бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг барчасини белгиланган муддатлар ичида тақдим этмаган талабгорларга танловда иштирок этишга **рухсат берилмайди.**

Суд департаменти томонидан белгиланган танлов жойларига мувофиқ энг юқори баллар олган баҳоловчилар **танловдан ўтган ҳисобланади.**


РЕКЛАМА

**Бератор - революция в бухгалтерии!**




**«Бератор Гроссбух»** - справочная система для бухгалтеров и кадровиков – папка-«регистр», в ней 1020 страниц и 200 шаблонов бухгалтерских и кадровых ситуаций. Проводки, начисления, первичные документы, ссылки на законы. Просто подставь свои цифры!

**1. Если два бухгалтера прочтут один и тот же закон,** каждый применит его по-своему. А это значит, что один из них совершил бухгалтерскую ошибку! Пользуясь шаблонами, не надо думать, как применить закон.

**2. При изменениях в законодательстве** мы заменяем в вашей папке несколько страниц, и ваша система не устаревает. **Есть версия на CD и на узбекском языке. СТОИМОСТЬ - 98 000 сум. «БТЛ» и «АКАДЕМПРЕССА»** высылают оглавление, фрагменты и договоры факсом, курьером и по e-mail: uzberator@rambler.ru Berator.uz. Тел: 1420542, 1420696. Бератор имеет подлинную печать «АКАДЕМПРЕССА» на 1-й странице.

**БЕРАТОР, в отличие от предложений других организаций, можно получить сейчас!**


# БУЮРТМАЧИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИДАН

***?*** ***Корхонамиз таъмирлашни бажараётганда шартномага кўра пудратчи ташкилотларга цех омборидан таъмирланаётган ускуна ва асосий воситаларга ўрнатиш учун товар-моддий бойликлар (ТМБ)ни бериб, бу беришни юкхат ва ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирмасдан, ТМБ беришини рўйхатдан ўтказиш журналида ёзув билан акс эттиради, у пудратчи ишончли шахсининг имзоси билан тасдиқланади. Пудратчи бажарилган ишлар далолатномаларини расмийлаштириш вақтида олинган ТМБни буюртмачининг материали сифатида миқдор ифодасида кўрсатади. ТМБ қийматини цех Харажатлар таркиби тўғрисида низомга кўра, пудратчининг бажарилган ишлар далолатномаларига таяниб, миқдор ва суммар ифодаларда ҳисобдан чиқаради.***

***Яқинда бизда аудиторлик текшируви ўтказилди. Аудиторлар ТМБ берилишини бошқа реализация деб ҳисобладилар ва ҚҚСни қўшимча ҳисоблаб ёздилар, чунки ТМБ берилаётганда юкхат ёзилмаган, шунчаки бериш журналида рўйхатдан ўтказилган эди.***

***Солиқ солинадиган база аниқланаётганида қўшимча ҳисоблаб ёзилган ҚҚСни улар Харажатлар таркиби тўғрисида низомга 1-иловага киритдилар.***

***Биз ТМБни пудратчига тўғри беряпмизми? Аудиторлар ҳақлими?***

**А.Петрова.**

– Агар таъмирлаш ишлари бажарилаётган ва пудрат ташкилоти билан буюртмачи томонидан таъмирлаш учун зарур материаллар берилиши шарт қилиб қўйилган таъмирлаш ишларини бажаришга доир шартнома тузилган бўлса, материалларни бериш улар реализацияси ҳисобланмайди. ТМБ пудратчига олиб келинадиган хом ашё шартларида берилади. Шу тариқа чиқиб кетаётган ТМБга қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб ёзиш керак эмас.

ТМБни омбордан бераётганда ҳисобварақ-фактурани ёзмасдан, материалларни беришга юкхатни расмийлаштириш керак бўлади. У ТМБ олиш ҳуқуқига эга бўлган ва таъмирлаш ишларини ўтказишга масъул ходимга ёзилади.

Пудратчи, ўз навбатида, ташкилотингиздан олинган ТМБни бажарилган ишлар далолатномасида кўрсатмаслиги керак, унда фақат у бажарган таъмирлаш ишларининг қиймати кўрсатилади.

***Мисол.*** *Корхона чет ташкилот билан ишлаб чиқариш ускунасини таъмирлашга шартнома тузиб, буюртмачининг эҳтиёт қисмларидан фойдаланишни шарт қилиб қўяди. Корхона 1 230 минг сўмга таъмирлаш учун зарур эҳтиёт қисмларни сотиб олди, бунда ҚҚС 205 минг сўмни ташкил этади. Шартнома бўйича таъмирлаш ишларининг қиймати 720 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС 120 минг сўмни ташкил этди. Пудратчининг хизматларига олдиндан бўнак тўланди.*

| N | Хўжалик операциясининг мазмуни | Сумма (минг сўм) | 21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси | |
|---|---|---|---|---|
| | | | дебет | кредит |
| 1 | Таъмирлаш ташкилотига бўнак ўтказилган | 720 | 4330 | 5110 |
| 2 | Эҳтиёт қисмлар ҳисобдан чиқарилган | 1 025 | 2010 | 1040 |
| 3 | Чет ташкилот томонидан ишлаб чиқариш ускунасини таъмирлаш бажарилган | 600 | 2010 | 6010 |
| 4 | Пудратчининг ҳисобварақ-фактураси бўйича ҚҚС ҳисобга киритилган | 120 | 4410<br>6410 | 6010<br>4410 |
| 5 | Бўнакни ҳисобга киритиш акс эттирилади | 720 | 6010 | 4310 |


Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди

NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Карши ш.: (99875) 227-18-11

# ФИРМАДАН СОВҒАГА

**?** ***«KORVET PLUS» МЧЖ корхонаси улгуржи савдо (ХХТУТ коди 71150) – болалар овқатлари ва шоколад маҳсулотларини сотиш билан шуғулланади. Шу йилнинг февралида биз реклама материалини харид қилдик, уни харид қилиш қиймати бўйича реклама тадбири доирасида текинга тарқатмоқчимиз.***

***Реклама материалини қайси ҳисобварақҳа кирим қилишимиз керак?***

***Ушбу вазиятнинг солиқ оқибатлари қандай бўлади?***

– Реклама материали (агар у болалар овқатлари ва шоколад маҳсулотлари бўлмаса) 1010-«Хом ашё ва материаллар» ҳисобварағи бўйича материаллар сифатида ҳисобга олиниши керак. Агар сизнинг корхонангиз қўшилган қиймат солиғининг тўловчи ҳисобланса, харид қилинган материаллар бўйича ҚҚС суммасини у ҳисобга қабул қилиб, уни 6410- «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» ҳисобварағида акс эттиради.

Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 мартда 1667-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 28-бандининг 2 «г»-кичик бандига кўра мол-мулк чиқиб кетганида ягона солиқ тўловига тортиш объектига унинг чиқиб кетишидан даромадлар киритилади. Текинга берилганда солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Агар сизнинг корхонангиз ҚҚС тўловчиси ҳам ҳисобланса, Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг *(МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 апрелда 1238-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* 11-бандига кўра бепул бериладиган материалларнинг қиймати ҚҚС солиш объекти ҳисобланади. Солиқ солинадиган айланманинг миқдори ҚҚС қўшилмасдан, бироқ амалдаги харид харажатларидан кам бўлмаган нархлардан келиб чиқиб аниқланади. Бепул (текинга) бериш чоғида ҚҚС тўловчи бўлиб берувчи тараф ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида реклама материалларини бепул бериш қуйидаги тарзда акс эттирилади:

| *Хўжалик операциясининг мазмуни* | *Ҳисобвараклар корреспонденцияси* | |
|---|---|---|
| | *дебет* | *кредит* |
| Бепул берилган реклама материалларининг қийматини ҳисобдан чиқариш акс эттирилган | 9220 | 1010 |
| Бепул бериладиган материаллар қийматидан ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммаси акс эттирилган | 9220 | 6410 |
| Бепул берилган реклама материалларидан зарар суммаси акс эттирилган | 9430 | 9220 |

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 137-07-78, 137-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 34-16-12
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

# ШОШМАСДАН ИШ ЮРИТИНГ

**?** ***Корхона солиқ органига 2006 йил учун бухгалтерия балансини тақдим этди, унда 15 000 000 сўм дебиторлик қарзи акс эттирилган эди. Балансни ўрганиш натижалари бўйича ДСИ бошлиғи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-моддасининг учинчи қисмига асосланиб, корхонанинг муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи бўлишига йўл қўйган мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқарди. Бироқ солиқ инспекцияси ходимлари текшириш ўтказмай, масъул мансабдор шахсларни чақириб, улардан тушунтириш хатларини олмай, тақдим этилган баланс ҳамда унга илова қилинган ҳисоботлар ва расшифровкаларни шарҳлаш билан чекландилар.***

***Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 347-сон қарори 6-бандининг учинчи хатбошисига мувофиқ маҳсулот етказиб берувчи корхоналарнинг мансабдор шахслари ва раҳбарларини қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзини ундириш бўйича чоралар кўрмаслик, шу жумладан хўжалик судига даъволарни тақдим этмаслик ҳисобланади.***

***Бироқ корхона дебиторлик қарзининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва уни бартараф этиш бўйича мумкин бўлган барча чораларни кўрди. Кўрсатилган суммани ундириш бўйича судларга даъволар тақдим этилди, уларнинг ҳал қилув қарорлари мавжуд, ижро ишини юритиш амалга оширилди. Баъзи ишлар бўйича суд ҳужжатини бажариш мумкин эмаслиги муносабати билан ижро ишини юритишни тугатиш тўғрисида қарорлар чиқарилди.***

***Бундан ташқари, корхонанинг бюджетдан қарзи йўқ, тегишли давр учун барча солиқлар ўз вақтида тўланган.***

***1. Солиқ органлари фақат тақдим этилган баланс ва бухгалтерия ҳисоботининг бошқа шаклларида кўрсатилган маълумотларгагина асосланиб, маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш ҳуқуқига эгами?***

***2. Суднинг тегишли ҳал қилув қарорлари мавжуд бўлганида, корхонанинг дебиторлик қарзи бўлишига йўл қўймаслик учун ўзларига боғлиқ барча чораларни кўрган мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилиши керакми?***

**Корхона бошқаруви раиси.**

– Солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари сизнинг ҳолатингизда амалдаги қонунчиликка мувофиқ келмайди.

Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғига *(Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 1-илова мазмунидан келиб чиқиб, солиқ органларига тақдим этиладиган бухгалтерия балансида дебиторлик қарзи кўрсатилади, бироқ унинг муддати ўтказиб юборилганлиги ёки юборилмаганлиги қайд этилмайди. Буни бухгалтерия баланси билан бирга тақдим этиладиган дебиторлик ва кредиторлик қарзи тўғрисида маълумотнома асосида аниқлаш мумкин *(молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғига 6-илова)*. Президентнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони *(1995 йил 12 май, ПФ-1154-сон)* 2-бандига кўра дебиторлик қарзи товарлар ҳақиқатда юкдан туширилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтганидан сўнг маблағлар келиб тушмаганда муддати ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг айтиб ўтилган шакл-лари асосида фақат муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи мавжудлиги далилини қайд этиш мумкин. Яъни улар далил-исботларнинг бири ҳисобланади. Бироқ маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун баланс ва маълумотноманинг ўзи етарли эмас. Мазкур ҳолда тўлиқ исботлаш базаси йиғилиши, айблаш ҳамда оқлаш далиллари ўрганилиши керак, улар сизнинг ҳолатингизда МЖТК 276-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, бирор бир ашёвий далиллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

Жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этаётганда солиқ органлари дебиторлик қарзи ва унинг муддати ўтказиб юборилганлиги билан муайян даражада боғланган барча ҳужжатларни (маҳсулот етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш шартномалари, ҳисобварақ-фактуралар, товар-транспорт юкхатлари, қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва ҳоказо) ўрганишлари керак. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори *(1999 йил 19 июль, 347-сон)* 6-банди учинчи хатбошисининг қоидалари албатта ҳисобга олиниши керак, унда кўрсатилишича, **маҳсулот етказиб берувчи корхоналар мансабдор шахслари ва раҳбарларини қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзини ундириш бўйича чораларни кўрмаслик, шу жумладан хўжалик судига даъволарни тақдим этмаслик ҳисобланади.** Агар сиз муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзига йўл қўймаслик учун имкони бўлган ҳамма нарсани қилган ва буни тегишли суд ҳал қилув қарорларини, қарзни ундириш ёки уни ундиришни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро варақаларини тақдим этиб тасдиқлай олсангиз, юқорида кўрсатилган қоидага биноан сизга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланмаслиги керак. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзини ундириш бўйича сиз кўрган чоралар унинг ҳосил бўлишида сизнинг айбингиз йўқлигидан гувоҳлик беради, айбдор бўлмаган шахсни жавобгарликка тортиш эса тўғри эмас. Айтиб ўтилган ҳужжатлар жавобгарлик масаласини ҳал қилишда катта аҳамият касб этади, шунингдек солиқ органлари томонидан эътиборга олиниши ва ўрганилиши керак.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, солиқ хизмати органлари маъмурий жавобгарликка тортаётганда иш бўйича маъмурий иш юритиш ва уни кўриб чиқиш таомилига риоя этишлари шарт. Биринчи навбатда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекснинг 279-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиш керак, унда қуйидагилар кўрсатилади:

– у тузилган сана ва жой;

– баённомани тузган солиқ органи мансабдор шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

– ҳуқуқбузарнинг (яъни корхонангизнинг жавобгарликка тортиладиган мансабдор шахсларининг) шахсига оид маълумотлар;

– маъмурий ҳуқуқбузарлик моҳияти (дебиторлик қарзи муддати ўтказиб юборилган деб ҳисоблана бошланган пайтни кўрсатган ҳолда);

– мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжат;

– гувоҳларнинг фамилиялари, яшаш манзиллари (агар гувоҳлар бўлса);

– ҳуқуқбузарнинг (мазкур ҳолда – муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг ҳосил бўлишига йўл қўйган корхона мансабдор шахсининг (раҳбари, унинг ўринбосарининг) тушунтиришлари;

– ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Тузилган ҳужжат маъмурий жавобгарликка тортилаётган мансабдор шахс томонидан имзоланиши керак, у МЖТК 294-моддасининг биринчи қисмига кўра ўз тушунтиришлари ва далилларини келтиришга ҳақлидир. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган мансабдор шахс иштирокида кўриб чиқилиши керак, уни солиқ органлари иш кўрилаётганлиги тўғрисида хабардор қилишлари лозим *(МЖТК 294-моддасининг иккинчи қисми)*.

Ишни кўриш якунлари бўйича солиқ органлари томонидан маъмурий жазони қўллаш тўғрисида чиқарилган қарор, ушбу барча шартларга риоя этилгандагина, қонуний бўлади.

**Артём АДЕЕВ,**
**эксперт-юрист.**

*Ноанъанавий саволлар*

# КАДРЛАР ВА ЧИҚИМЛАР

**?** ***Ходимларнинг қўнимсизлиги компания учун анча пулга тушишига директоримизни ишонтирмоқчиман. Қандай қилсам у ишонади?***

– Директорга бирор нарсани аниқ рақамлар билан исботлаган яхшироқ. Бир ходимнинг ишдан кетиши қанчага тушишини ҳисоблаб кўринг. Шунда зарар аниқ кўзга ташланади. Чунончи, бир йилда чакана савдо тармоғидан 100 дан ортиқ одам кетди, уларнинг кўпчилиги ўз ихтиёри билан ишдан бўшаган. Кадрлар билан шуғулланувчи менежер компаниянинг ходимларга сарфлайдиган умумий харажатларини: иш кийими, ўқитишга, овқатланишга чиқимларини ҳисоблаши мумкин. Ярим йил ичида (ишдан бўшаган одамларнинг ўртача ишлаш муддати) ҳар бир кишига деярли 500 минг сўм кетган – ҳаммаси қўшилиб 50 миллион сўмни ташкил этган. Бу пулга кадрлар билан ишлаш харажатларини (реклама сарфлари, менежерларнинг номзодлар билан бевосита ишлашга сарфлаган иш вақти қиймати) қўшишган, номзод дастлабки вақтда тўла куч билан ишламаслиги оқибатидаги билвосита йўқотишларни баҳолашган, натижада умумий харажатлар суммаси деярли 90 миллион сўмга етган.

Бундай ишончли маълумотлардан сўнг чакана савдо компаниясининг раҳбарлари ходимларни сақлаб қолиш ва хайрихоҳликни шакллантириш дастурини амалга ошириш учун пул ажратишга рози бўлганлар.

***Бизнесда муаммога дуч келдингизми?***

***Марҳамат, саволларингизни normapress@mail.ru манзилига юборинг, биз ўз тажрибамизга ва етакчи маслаҳатчиларнинг иш тажрибасига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шунга қарамай, бизнинг маслаҳатларимизга тўғридан-тўғри кўрсатма деб қарамаслигингиз керак – сиз улардан хоҳишингизга қараб фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Норма маслаҳатчи» шу рукн остида эълон қилинган тавсияларга асосланиб, қилган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**
  - "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида";
  - "Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон қарори)".
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
  - ЎзР МБ бошқарувининг "Ҳисоб-китобларни "Банк-Мижоз" дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори;
  - ЎзР МБ бошқарувининг "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори;
  - ЎзР ДСҚ, МБ бошқарувининг "Нақд пул тушумини яширишга йўл қўйган корхоналар ва ташкилотларга нисбатан жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қарори;
  - ЎзР молия вазирининг "Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи;
  - ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг "Монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори.
- **МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 26 МАЙДАН 1 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 21-сон, 214-модда)*

Лицензиялаш ва сертификатлаштириш тартиботини янада соддалаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Санақулов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 18 май*
*104-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2007 йил 18 майдаги 104-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги 477-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 106-модда) билан тасдиқланган Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом 10-бандининг «е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«е) тиббиёт асбоб-ускуналари ва аппаратураларининг метрология нормалари ва стандартларига мувофиқлиги тўғрисида «Ўзстандарт» агентлиги органлари ёки тегишли хулосалар бериш ҳуқуқи учун «Ўзстандарт» агентлигида аккредитация қилинган метрология хизматлари томонидан берилган хулоса».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда):

а) 1-иловада:

19-бандга қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«гигиена сертификатининг нусхаси»;

еттинчи ва саккизинчи хатбоши тегишли равишда саккизинчи ва тўққизинчи хатбоши ҳисоблансин;

26-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Четдан олиб келинаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати уларнинг яроқлилик муддатига (маҳсулот яроқлилигининг кафолатли муддатига), яроқлилик муддатига (маҳсулот яроқлилигининг кафолатли муддатига) эга бўлмаган маҳсулотларга эса амал қилиш муддати кўрсатилмасдан, кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун — 3 йилга берилади. Кўплаб ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун берилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сертификатланган деб ҳисобланади»;

KAPITALBANK 132 - 07 - 03
Хизматлар лицензияланган
*Бир мақсадга интилиб*
*Муваффақиятга эришамиз*

б) 2-иловада:

«ТИФ ТН коди» устунининг иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«0301-:-0307* (0301 10, 0301 10 100, 0301 10 900 дан ташқари)»;

бешинчи позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | |
|---|---|
| «Сабзавотлар (уруғлик материалдан ташқари) ҳамда ейиладиган баъзи илдизмевалар ва тугунак мевалар | «0701-:-0714* (0709 60 910, 0709 60 950 дан ташқари)» |

«ТИФ ТН коди» устунининг саккизинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1001-:-1008* (1008 30 000 дан ташқари)»;

«Номи» устунининг ўнинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қовурилмаган ёки бирон-бир бошқа усулда тайёрланмаган, арчилган ёки арчилмаган, майдаланган ёки майдаланмаган ерёнғоқ»;

«ТИФ ТН коди» устунининг ўн иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1501 00-:-1517, 1518 00910, 1521 90910, 1521 90990 (1501 00 110, 1502 00 100, 1503 00 110, 1503 00 300, 1507 10 100,

1507 90 100, 1508 10 100, 1508 90 100, 1511 10 100, 1511 90910,

1512 19 100, 1512 29 100, 1513 11 100, 1513 19 300, 1513 29300,

1514 11 100, 1514 19 100, 1514 91 100, 1514 99 100, 1515 19100,

1515 21 100, 1515 29 100, 1515 50 110, 1515 50 910, 1515 90210,

1515 90 310, 1515 90 400, 1515 90 600 дан ташқари)»;

«Номи» устунининг йигирманчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Савдо тармоғи орқали аҳолига сотиш учун умумий овқатланиш корхоналарида тайёрланадиган озиқ-овқат, ошпазлик маҳсулотлари ва чала тайёр маҳсулотлар»;

«ТИФ ТН коди» устунининг йигирма биринчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2401-:-2403*»;

«ТИФ ТН коди» устунининг йигирма иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2501 00 100, 2501 00 911, 2501 00 919»;

йигирма учинчи позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | |
|---|---|
| «Кварц, мармар, гранит, шағал, цемент, асбест | «2506 10 000, 2508 10 000, 2509 00 000*, 2512 00 000, 2515, 2516, 2517 10 100, 2517 10 200, 2520*, 2523-:-2524 00*, 2526 20 000» |

«ТИФ ТН коди» устунининг йигирма тўртинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2701-:-2703; 2705 00 000; 2707; 2710-:-2712; 2714 10000;

2715 00 000; 2716 00 000*»;

йигирма еттинчи позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | |
|---|---|
| «Фармацевтика маҳсулоти (безлар ҳамда одам ва ҳайвон организмидан олинган ва трансплантация учун мўлжалланган органлардан ташқари) | «3001-:-3006 (3002 90 100, 3002 90 300, 3002 90 500, 3002 90 900, 3006 50 000, 3006 80 000 дан ташқари)» |

ўттиз иккинчи позиция чиқариб ташлансин;

ўттиз учинчи позиция — қирқ олтинчи позициялар тегишли равишда ўттиз иккинчи — қирқ бешинчи позициялар деб ҳисоблансин;

«ТИФ ТН коди» устунининг ўттиз бешинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3917-:-3923 30 909*, 3923 50, 3924 10 000»;

«ТИФ ТН коди» устунининг ўттиз олтинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4009, 4011*, 4013, 4014, 4015 11 000»;

«ТИФ ТН коди» устунининг қирқ биринчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5201, 5203 00 000, 5208-:-5212*»;

қуйидаги мазмундаги қирқ олтинчи позиция қўшилсин:

| | |
|---|---|
| «Жойлаштириш қоплари ва пакетлари (фақат озиқ-овқат маҳсулотлари учун) (истеъмолда бўлганлардан ташқари) | 6305» |

«ТИФ ТН коди» устунининг қирқ тўққизинчи позициясидан «6914*» рақамлари чиқариб ташлансин;

«ТИФ ТН коди» устунининг эллигинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7007, 7008*, 7010, 7013*, 7017»;

«ТИФ ТН коди» устунининг эллик биринчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7309 00-:-7310*, 7311 00*, 7321*, 7323*, 7324 10 900-:-7324 29 000*, 7324 21 000* (7323 10 000, 7323 93 900, 7323 94 900, 7323 99 910 7323 99 990 дан ташқари)»;

«ТИФ ТН коди» устунининг эллик учинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7615-7615 20 000* (7615 11 000 дан ташқари)»;

эллик бешинчи ва эллик олтинчи позициялар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | |
|---|---|
| «Буғ қозонлари, ички ёниш двигателлари, турбореактив гидротурбиналар, куч қурилмалари, суюқлик ва ҳаво насослари, компрессорлар, вентиляторлар ва тортувчи шкафлар, ҳароратни бир хилда сақлаш қурилмалари, иситиш горелкалари, саноат ёки лаборатория печлари ва камералари, совуткичлар ва музлаткичлар, стерилизаторлар, дистилляторлар, центрифугалар, идиш-товоқ ювиш машиналари (фойдаланилган ҳамда денгиз кемалари ва фуқаро авиациясида фойдаланилаётганлари бундан мустасно), товарларни тортиш учун жиҳозлар, кўтариш таллари ва юк кўтаргичлар, ҳар хил типдаги юк кўтариш кранлари, автоюклагичлар, қишлоқ хўжалиги машиналари юкларини бир жойдан бошқа жойга олиб бориш машиналари ва қурилмалари, автомобиль йўли техникаси, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва овқат тайёрлаш учун қурилмалар ва аппаратлар, тўқимачилик дастгоҳлари, нусха кўчириш-кўпайтириш машиналари, савдо автоматлари | «8402-:-8402 20 000, 8403-:- 8403 10 900, 8405-:-840510 000, 8407, 8413-:-841382 00, 8414-:-8414 80 900, 8415-:-8415 83 900, 8416-:-8416 30 000, 8417-:-8417 80 800, 8418-:-8418 69, 8419-:-8419 89, 8421-:-8421 39, 8422-:-8422 40 000, 8423-:-8424 89, 8425-:-8430 69 000, 8432-:-8432 80 000, 8433-:-8433 60 900, 8434-:-8434 20 000, 8435-:-8435 10 900, 8436-:-8436 80 990, 8437-:-8437 80 000, 8438-:-8438 80 990, 8439-:-8439 30 000*, 8440-:-8440 10 900*, 8444-:-8447 90 000*, 8450-:-8450 20 000, 8452-:-8452 29 000, 8471-:-8471 41, 8472 10 000, 8476-:-8476 89 000, 8481» |
| «Электр машиналари ва жиҳозлари; двигателлар (фуқаро авиацияси учун двигателлар бундан мустасно) ва ўзгарувчан ток генераторлари, аккумуляторлар, саноат печлари ва камералари, маиший электр техникаси, электр сув иситкичлар; телевизион тасвир ва овозни ёзиш ва кўрсатиш аппаратлари, электрон лампалар ва трубкалар, чўғланма лампалар | «8501-:-8502 40 900, 8504-:-8504 50 900, 8507-:-8507 80 990, 8508-:-8508 80 900, 8509-:-8509 30 000, 8514-:-8514 40 000, 8515-:-8515 80 990, 8516-:-8516 80 990, 8517-:-8517 80 900, 8518 21 900, |

| | |
|---|---|
| (12 Wдан ортиқ), изоляцияланган симлар, изоляцияловчи арматура; телекоммуникацияларнинг техник воситалари, телекоммуникациялар тармоқлари жиҳозларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими функциялари бажарилишини таъминлайдиган четки (терминал) асбоб-ускуналар, шунингдек техник (аппарат-дастурий) воситалар ҳам шу жумлага киради. | 8518 21 900, 8518 22 900, 8518 29 800, 8519-:-8519 40 000, 8521-:-8521 90 000, 8525-:-8525 30 900, 8526-:-8528 30 900, 8530-:-8530 80 000, 8531-:-8531 10 800, 8535-:-8537 20 990, 8536 61*, 8539-:-8539 49 300, 8540-:-8540 89 900, 8544-:-8544 70 000*, 8546-:-8547 90 000». |

эллик саккизинчи позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | |
|---|---|
| «Оптик прецизион, тиббий ёки жарроҳлик инструментлари ва аппаратлари (эҳтиёт қисмлар, сарфлаш ва назорат қилиш материалларидан ташқари); ўлчаш ва назорат қилиш приборлари. | «9001 10, 9008 10 000, 9009 11 000, 9009 12 000, 9009 21 000, 9015-:-9015 80 900, 9016 00-:-9016 00 100, 9017 30, 9018-:-9020, 9022-:-9022 90 900, 9024-:-9024 80 990, 9025-:-9025 80 990, 9026-:-9026 80 990, 9027-:-9027 90 900, 9028-:-9028 30 900, 9029-:-9029 20 900, 9030-:- 9030 89 990, 9031-:-9031 80 990, 9032-:-9032 89 900». |

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАМДА БАЪЗИЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2007 ЙИЛ 10 АПРЕЛДАГИ ПҚ–618-СОН ҚАРОРИ)

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 21-сон, 215-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарорининг 1 ва 2-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 72-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 21 май*
*105-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2007 йил 21 майдаги 105-сон қарорига*
*ИЛОВА*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақидаги низомнинг 9-бандида:

йигирманчи хатбошидаги «солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳони» сўзлари «солиқ маслаҳатчиси ва актуарий малака сертификатларини олиш учун малака имтиҳони» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи хатбошидаги «солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони» сўзлари «солиқ маслаҳатчиси ва актуарий малака сертификатларини олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳонлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма учинчи хатбошига «аудитор» сўзидан кейин «актуарий» сўзи қўшилсин;

йигирма тўртинчи хатбошига «аудиторлар» сўзидан кейин «актуарийлар» сўзи қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловада:

1.10-бандга «мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

1. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. 21. Ходимларнинг ихтиёрий суғуртасига ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар, мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари харажатлари бундан мустасно».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 2-бандининг иккинчи хатбошидаги «ва суғурта ташкилотлари» сўзлари «ташкилотлар, суғурталовчилар ва суғурта брокерлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ «БАНК-МИЖОЗ» ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 17 майда 497-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 19-20-сон, 210-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ҳисоб-китобларни «Банк — Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги низомга (1998 йил 8 октябрь, рўйхат рақами 497) иловага** мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кундан кейин кучга киритилсин.

***Марказий банк Бошқаруви раиси Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 24 апрель*
*12/4-сон.*

***2007 йил 27 майдан кучга киради.***
****Илова рус тилида берилади.***

*ПРИЛОЖЕНИЕ*
*к постановлению Правления Центрального банка*
*от 24 апреля 2007 года № 12/4*

### О ВНЕСЕНИИ ИЗМЕНЕНИЙ В ПОЛОЖЕНИЕ О ПРОВЕДЕНИИ РАСЧЕТОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ПРОГРАММНОГО КОМПЛЕКСА «БАНК-КЛИЕНТ»

1. Пункт 1.1 изложить в следующей редакции:

«Настоящее Положение в соответствии с Гражданским кодексом Республики Узбекистан, законами «О Центральном банке Республики Узбекистан», «О банках и банковской деятельности», «Об электронных платежах», «Об электронной цифровой подписи» и «О договорно-правовой базе деятельности хозяйствующих субъектов» определяет порядок проведения расчетов между банком и клиентами с использованием программного комплекса «Банк-Клиент» на территории республики».

2. Пункт 2.5 изложить в следующей редакции:

«Электронное платежное поручение, полученное по каналам связи от клиентов, использующих программный комплекс «Банк-Клиент», проходит программный контроль и передается на обработку в операционный день банка. После осуществления оплаты электронное платежное поручение распечатывается в достаточном количестве экземпляров, согласно пункту 25 Положения «О безналичных расчетах в Республике Узбекистан» (рег. № 1122 от 15 апреля 2002 г.), и в установленном порядке подшивается в документы дня банка и прилагается к выписке из лицевого счета плательщика.

Электронное платежное поручение, созданное на основании денежно-расчетного документа на бумажном носителе и подтвержденное электронной цифровой подписью, полученное через программный комплекс «Банк-Клиент», приравнивается к оригиналу денежно-расчетного документа и имеет одинаковую с ним юридическую силу.

Оригинал в бумажной форме электронного платежного поручения, отправленного через программный комплекс «Банк-Клиент», в банк не предоставляется и в установленном порядке хранится у клиента. При этом клиент несет ответственность за правильность оформления и соответствие платежного поручения в электронном и бумажном видах».

3. Пункты 2.6 и 2.7 признать утратившими силу.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 17 майда 1122-6-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 19-20-сон, 211-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга (2007 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1122) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кундан кейин кучга киради.

***Марказий банк Бошқаруви раиси Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 24 апрель*
*12/3-сон.*

***2007 йил 27 майдан кучга киради.***

*ЎзР МБ бошқарувининг 2007 йил*
*24 апрелдаги 12/3-сон қарорига*
*ИЛОВА*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШ**

1. 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк-Мижоз» дастурий мажмуасидан фойдаланадиган мижозлардан алоқа каналлари бўйича олинган электрон тўлов топшириқномаси дастурий назоратдан ўтади ва банкнинг операциялар кунида ишлов беришга топширилади. Тўлов амалга оширилганидан кейин электрон тўлов

****Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.***

топшириқномаси мазкур Низомнинг 25-бандига кўра етарли миқдордаги нусхаларда қоғозга чиқарилади ва белгиланган тартибда банкнинг кун ҳужжатларига тикилади ҳамда тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади.

«Банк-Мижоз» дастурий мажмуаси орқали юборилган электрон тўлов топшириқномасининг қоғоз шаклидаги асл нусхаси банкка тақдим этилмайди ва белгиланган тартибда мижозда сақланади. Бунда мижоз расмийлаштиришнинг тўғрилиги ҳамда тўлов топшириқномасининг электрон ва қоғоз кўринишларининг мувофиқлиги учун жавоб беради».

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,*
*МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# НАҚД ПУЛ ТУШУМИНИ ЯШИРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙГАН КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА НИСБАТАН ЖАЗО ЖАРИМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 майда 1070-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 21-сон, 217-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–59-сон Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги ЎРҚ–59-сон Қонуни)» 235-сон қарорига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 14 сентябрдаги 2001-67, 202-В-сон билан тасдиқланган «Нақд пул тушумини яширишга йўл қўйган корхоналар ва ташкилотларга нисбатан жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (2001 йил 28 сентябрь, рўйхат рақами 1070 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 18-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2007-33-сон*

***Марказий банк***
***Бошқаруви раиси***
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***
*11/6-сон*

*Тошкент ш., 2007 йил 14 апрель.*

***2007 йил 29 майдан кучга киради.**

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ*
*БУЙРУҒИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ 2002 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДАГИ 140-СОНЛИ «МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ҚОИДАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ БУЙРУҒИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 майда 1209-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 21-сон, 218-модда)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддаси, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51-52-сон, 507-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги 132-сонли «Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 21-сон, 151-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (2003 йил 24 январь, рўйхат рақами 1209-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 1-2-сон, 21-22-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 519-модда; 2005 й., 19-20-сон, 145-модда) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 12 апрель*
*39-сон.*

***2007 йил 29 майдан кучга киради.**

*ЎзР молия вазирининг 2007 йил 12 апрелдаги 39-сон буйруғига ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ 2002 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДАГИ 140-СОНЛИ «МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ҚОИДАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ БУЙРУҒИГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1-иловада:
а) 340-сатрда «Ҳисоблашиш» сўзи «Ҳисоб-китоб» сўзлари билан алмаштирилсин;
б) 390-сатрдан «230» рақами чиқариб ташлансин;
в) 490-сатрдан «510» рақами чиқариб ташлансин;
г) 600-сатрдан «620» рақами чиқариб ташлансин.
2. 2-иловада Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

| *Кўрсаткичлар номи*<br>*Наименование показателя* | *Сатр коди*<br>*Код строки* | *Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади*<br>*Причитается по расчету за отчетный период* | *Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблангандан ҳақиқатда тўлангани*<br>*Фактически внесено из причитающихся по расчету за отчетный период* |
|---|---|---|---|
| Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи<br>Налог на доходы (прибыль) юридических лиц | 280 | | |
| Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи<br>Налог на доходы физических лиц | 290 | | |
| шу жумладан: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ажратмалар<br>в том числе: отчисления в индивидуальные накопительные пенсионные счета граждан | 291 | | |
| Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи<br>Налог на благоустройство и развитие социальной инфраструктуры | 300 | | |
| Қўшилган қиймат солиғи<br>Налог на добавленную стоимость | 310 | | |
| Акциз солиғи<br>Акцизный налог | 320 | | |
| Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ<br>Налог за пользование недрами | 330 | | |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ<br>Налог за пользование водными ресурсами | 340 | | |
| Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ<br>Налог на имущество юридических лиц | 350 | | |
| Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи<br>Земельный налог с юридических лиц | 360 | | |
| Ягона солиқ тўлови<br>Единый налоговый платеж | 370 | | |
| Ягона ер солиғи<br>Единый земельный налог | 380 | | |
| Қатъий белгиланган солиқ<br>Фиксированный налог | 390 | | |
| Бошқа солиқлар<br>Прочие налоги | 400 | | |
| Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар<br>Обязательные отчисления в Республиканский дорожный фонд | 410 | | |
| Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар<br>Обязательные отчисления во внебюджетный Пенсионный фонд | 420 | | |
| Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлар<br>Обязательные отчисления в Фонд школьного образования | 430 | | |
| Ягона ижтимоий тўлов<br>Единый социальный платеж | 440 | | |
| Импорт бўйича божхона божи<br>Импортные таможенные пошлины | 450 | | |
| Маҳаллий бюджетга йиғимлар<br>Сборы в местный бюджет | 460 | | |
| Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар<br>Финансовые санкции за просроченные платежи в бюджет | 470 | | |
| **Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 470, сатргача 291 сатрдан ташқари)**<br>**Всего сумма платежей в бюджет (стр. с 280 по 470, кроме стр. 291)** | 480 | | |

3. 4-иловада 140-сатр қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Хусусий акцияларни сотиб олганда ва уларни сотганда пул тўловлари ва тушумлари

Денежные выплаты и поступления при выкупе и реализации собственных акций».

4. 7-иловада:
а) 15-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бундан аввалги даврда йўл қўйилган фундаментал (жиддий) хатоларни тузатишлар суммаси молиявий ҳисоботда йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш ва активлар, мажбуриятлар ҳамда ўз капиталининг бошқа моддаларига тегишли тузатишлар киритиш йўли билан акс эттирилиши мумкин.»;

иккинчи хатбоши тегишинча учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 21-банд «бошқа қимматли қоғозларга» сўзларидан кейин «бундан шуъба ва тобе жамиятларнинг қимматли қоғозлари мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. «Алоҳида бўлинмаларнинг қарзи» моддаси бўйича (230-сатр) ҳисоби 4110-«Алоҳида бўлинмалардан олишга

***Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.*

доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган алоҳида бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)нинг жорий қарзи акс эттирилади. Мазкур модда бўйича ахборот маълумот тарзида келтирилади.»;

г) 56-банддан «230» рақами чиқариб ташлансин;

д) 66-банддан «510» рақами чиқариб ташлансин;

е) 68-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«68. «Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарз» моддаси бўйича (510-сатр) ҳисоби 7110-«Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарз» ҳисобварағида юритиладиган алоҳида бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)га узоқ муддатли мажбуриятлар акс эттирилади. Мазкур модда бўйича ахборот маълумот тарзида келтирилади.»;

ж) 77-банддан «620» рақами чиқариб ташлансин;

з) 79-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«79. «Алоҳида бўлинмалардан қарз» моддаси бўйича (620-сатр) ҳисоби 6110-«Алоҳида бўлинмаларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган алоҳида бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)га жорий мажбуриятлар акс эттирилади. Мазкур модда бўйича ахборот маълумот тарзида келтирилади.»;

и) 81-бандда «6230-«Муддати ўтказиб юборилган даромадлар» сўзлари «6230-«Бошқа муддати кечиктирилган даромадлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 87-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«87. «Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз» моддаси бўйича (700-сатр) ҳисоби 6520-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ва 6530-«Шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларга тўловлар» ҳисобварақларида амалга ошириладиган корхонанинг давлат мақсадли жамғармаларига қарзи кўрсатилади.»;

л) 93-бандда «6840» ва «6870» рақамлари тегишинча «6940» ва «6970» рақамлари билан алмаштирилсин;

м) 98-банднинг иккинчи хатбошисидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

н) 105-бандда «жарималар, пеня ва неустойкалар» сўзлари «жарималар ва пеня» сўзлари билан алмаштирилсин;

о) 122-банднинг иккинчи хатбошисида «ягона солиқ, ялпи даромаддан солиқ, ягона ер солиғи» сўзлари «ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 124-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«124. Бюджетга тўловлар бўйича маълумотда (280-470-сатрлар) корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган солиқлар ва тўловлар турлари бўйича бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар кўрсатилади. Мазкур Маълумотнинг 480-сатрида ҳисобот даврида корхоналар томонидан ҳисоблаб ёзилган ва тўланган бюджетга солиқлар ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг якуний суммаси кўрсатилади.

Агар корхонада ҳисобот даври учун ҳисоб-китоблар бўйича қонун билан белгиланган тартибга мувофиқ қўшилган қиймат солиғига оид манфий фарқ мавжуд бўлса, 300-сатрнинг «Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади» устунида ушбу манфий фарқнинг суммаси «минус» белгиси билан кўрсатилади.»;

р) 141-банддан «ва пул маблағларини сарфлаш билан боғлиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

с) 143, 148, 156 ва 160-бандлар қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда «Кирим» устунининг суммаси «Чиқим» устуни суммасидан ошиб кетган тақдирда ошиб кетиш сальдоси «Кирим» устунида, бошқа ҳолда, аксинча, «Чиқим» устунида кўрсатилади.»;

т) 152-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«152. «Ўз акцияларини сотиб олиш ва сотиш чоғида пул тўловлари ва тушумлари» моддаси бўйича (140-сатр) ўзларининг сотиб олинган акцияларини сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммалари, шунингдек эгаларига корхонада бўлган ўз акциялари, улуш ва пайлари учун уларни кейин сотиш ёки йўқ қилиш (бекор қилиш) учун тўланган пул маблағлари суммалари кўрсатилади.»;

у) 187-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги «Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тўғрисида» 132-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 21-сон, 151-модда) белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 57-модда) 5-иловага киритилган айрим корхоналар олинган газ учун ҳисоб-китоб ойи тугаганидан кейин 30 кун ўтгунига қадар узил-кесил ҳисоб-китоб қиладилар. Ушбу корхоналарга нисбатан тўлови ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи муддати ҳисоб-китоб ойи тугаган кундан бошлаб 30 кун ўтгач белгиланади.».

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# МОНОПОЛ МАҲСУЛОТЛАР, ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ БИРЖА ВА КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚЎЙИЛИШИНИ НАЗОРАТ ВА МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 майда 1369-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 21-сон, 220-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2006 йил 25 ноябрдаги 244-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2004 йил 11 майдаги 5-сонли «Монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига (2004 йил 11 июнь, рўйхат рақами 1369 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 24-сон, 280-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси раиси в.б. Б.УЛАШОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 26 январь*
*2-сон.*

***2007 йил 29 майдан кучга киради.**

## МОНОПОЛ МАҲСУЛОТЛАР, ХОМ АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАРНИ БИРЖА ВА КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚЎЙИЛИШИНИ НАЗОРАТ ВА МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАДИГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1-бандда «монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа савдоларига ва аукционларга мажбурий равишда қўйиш бўйича асосий талабларни» сўзлари «монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа савдоларига мажбурий тарзда қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тартибини» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3-банднинг биринчи хатбошисида «ва рақобатни ривожлантириш» сўзлари «рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Монополист корхоналар мажбурий тартибда монопол маҳсулотни тегишли моддий балансулар ва жадвалларда назарда тутилган муддатлар ва ҳажмларда, қуйидагиларга бўлган ҳолда, бир маромда биржа ва кимошди савдоларига қўядилар:

ойлар бўйича – маъданли ўғитлар, қора металлар прокати, кўмир, нефть маҳсулотлари, пахта линти, рангли металл учун;

ой ўн кунликлари бўйича – цемент учун;

биржа савдолари кунлари бўйича – ун, шакар, пахта ёғи, суюлтирилган газ, шифер, полиэтилен учун.».

4. Қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган жадваллар келгуси ой учун монополист корхоналар томонидан Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, ушбу мақсадларга тегишли моддий балансларда назарда тутилган ҳажмлар асосида улар учун хўжалик бошқаруви органлари белгилаган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда олдинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тегишли тақсимлаш билан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Маҳсулотни савдога объектив ва корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қўйиш ҳажмлари ҳамда муддатларини бажариш мумкин бўлмаган ҳолларда бу хусусдаги ахборот монополиядан чиқариш органига тезкорлик билан тақдим этилади.»;

5. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Монополист корхоналар, бундан кичик бизнес субъектлари мустасно, ҳар ой тугагач Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органларига мазкур Низомнинг 4¹-бандига мувофиқ тасдиқланган тегишли моддий баланслар ва жадвалларда назарда тутилган маҳсулотни биржа ва кимошди савдоларига қўйишнинг амалда бажарилиши тўғрисида ахборотни тақдим қиладилар.».

6. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Биржа ва кимошди савдоларининг ташкилотчилари ҳар куни Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига маҳсулотни биржа ва кимошди савдоларига қўйиш ҳамда улар орқали сотиш тартибида назарда тутилган тегишли номенклатура бўйича биржа ва кимошди савдоларига қўйилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмлари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек сотилган маҳсулот нархлари ва биржа ҳамда кимошди савдоларида шаклланган нархларнинг ўртача котировкалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этадилар.».

7. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган.

***Иқтисодиёт вазири***
***Б.ХЎЖАЕВ.***

*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 20 апрель.*

*****Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

### ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 26 МАЙДАН 1 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 2007-03, 33, 289-В-сонли қарори.*

***2007 йил 26 майда 1682-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).***

2. «Давлат органларининг ахборот тизимларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2007 йил 2 майдаги 131-сонли буйруғи.*

***2007 йил 26 майда 1646-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).***

3. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 20 апрелдаги 62-сонли буйруғи.*

***2007 йил 26 майда 1186-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).***

4. «Донни сақлаш, қуритиш, тозалаш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнидаги камайиш ва йўқотишларни қоплаш учун молиявий захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 25 апрелдаги 41, 2006-45-сонли қарори.*

***2007 йил 26 майда 1683-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).***

5. «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 22 апрелдаги 100, 2006-44-сонли қарори.*

***2007 йил 26 майда 1684-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 5 июндан кучга киради).***

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***
***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.***




# ТАШВИШСИЗ ИШДАН БЎШАТИШ

***Ишдан бўшатиш иккала тараф – ходим ва иш берувчи учун ҳамиша ҳам ёқимли таомил эмас. Бироқ у имкон қадар безарар ўтиши учун қонунга қатъий амал қилиш керак.***

## КЎП ҚИРРАЛИ ПРОГУЛ

Иш берувчи ҳар бир шахс собиқ ходимлари билан муаммоларга дуч келмасликни хоҳлаши сир эмас. Бунинг учун қонунга қатъий амал қилиш лозим.

Прогул қилгани учун ходимни ишдан тўғри бўшатиш учун унинг ишга келмагани сабабларини пухта аниқлаш лозим. Ходим хатолардан бирига йўл қўйган бўлса, уни ишдан бўшатиш мумкин. Бундай «хато»лар рўйхати ички меҳнат тартиби қоидаларида; корхона мулкдори ва раҳбари, иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномасида; ходимларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги низом ва уставларда белгиланиши мумкин. Булар:

– ходимнинг бутун иш сменаси мобайнида ишда пайдо бўлмаслиги;

– ўз иш жойида (одатда) бирданига ёки иш куни давомида 4 соатдан ортиқ пайдо бўлмаслиги;

– меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантирмай ўз ишини ташлаб кетиши;

– ишдан бўшатиш тўғрисида огоҳлантирилгандан сўнг икки ҳафта ишламай фирмадан кетиши;

– муддатли меҳнат шартномасида кўрсатилган муддат тугамай туриб ишдан кетиш;

– ўзбошимчалик билан отгул кунларидан фойдаланиш ҳолларидир.

Сизда шундай ҳолат юз берган бўлса, ходимни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига мувофиқ ишдан бўшатса бўлади. *Ходимнинг меҳнат бурчини бузиши қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир ҳолатда содир этилган ножўя ҳаракатнинг оғирлигига ва бу хатти-ҳаракатнинг оқибатига ёки қандай оқибат келтиришига қараб белгиланади.*

Яна иш берувчи ходимнинг ишга чиқмаслиги сабабини аниқлаши лозим. Бу жуда муҳим ҳолатдир. Вазият узрли сабабсиз бўлиши лозим. Транспорт муаммоси, милициянинг тўхтатиши, бошқа бирор мураккаб вазият ўтмайди. Агар ходим узрли сабаб билан ишга келмаган бўлса, уни ишга чиқмагани учун ишдан бўшатиш мумкин эмас.

## ҚОНУНГА МУВОФИҚ РАВИШДА

Ишга чиқмаган ходимни қонунга мувофиқ ишдан бўшатиш лозим. Акс ҳолда собиқ ходим билан судда учрашиш эҳтимоли жуда юқори бўлади.

Демак, ишдан бўшатишни расмийлаштириш пайтида Меҳнат кодексининг 182-моддасига амал қилиш зарур. Худди шу моддада қонун чиқарувчи интизомий жазони қўллаш тартибини кўрсатган.

Аввал ходимнинг ишга келмагани ҳақида далолатнома тузиш лозим. Уни тузиш чоғида камида икки гувоҳ бўлиши керак. Гувоҳлар айбдор билан бир бўлимда ишласа, янада яхши бўлади. Ишга чиқмаганлик тўғрисидаги далолатнома эркин шаклда тузилади.

Ёдингизда бўлсин, прогулни иш вақтини ҳисобга олиш табелида қайд этиш лозим. Прогулчидан ишга чиқмаслик сабабини сўраш ҳам зарур. Агар у икки иш куни давомида тушунтириш хати ёзмаса, далолатнома тузилади, унга ходим имзо чекиши лозим. Лекин у имзо чекишдан ҳам бош тортса, далолатнома тузувчилар яна бир марта имзо чекадилар (далолатноманинг бир нусхасини ходимга бериб, ундан тилхат олиш яхшироқ бўлади). Буларнинг ҳаммаси камида икки гувоҳ иштирокида бўлади.

Барча ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг ишга чиқмагани (прогул) учун ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиқариш мумкин. Ёдингизда бўлсин, меҳнат шартномаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандларига мувофиқ ходимнинг айби билан бекор қилинганда, иш берувчи камида уч кун олдин меҳнат муносабатлари тўхтатилгани ҳақида ходимга хабар қилишга ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўлашга мажбурдир.

Расмийлаштиришда бирор-бир хатога йўл қўйилса, ходим суд орқали ишга тикланиши мумкин. Шу сабабли ишёқмас ходимни ишдан бўшатишга эҳтиёткорлик билан қараш керак.

## СУДДАГИ УЧРАШУВ

Ходим ишга тикланса, фирма ишдан бўшатилган кундан бошлаб, ходим прогул қилишга мажбур бўлган кунлар учун (лекин бир йилдан ошмаслиги керак) ҳақ тўлашга мажбур бўлади *(МКнинг 275-моддаси)*. Сўнгра интизомни бузишдан олдинги вазият ўрганилади. Ходимнинг ўз бурчига муносабати ҳам ўрганилади. Сўнгра суд жазонинг қилмишга яраша эканлигини ҳал қилади. Низони кўриб чиқиш чоғида меҳнат шартномаси асосли бекор қилинганини исботлаш юки иш берувчининг зиммасига тушади.

Агар корхонанинг локал меъёрий ҳужжатлари (жамоа келишуви ёки жамоа шартномаси)да меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб олиш назарда тутилган бўлса, суд ана шундай розилик олинган-олинмаганлигини аниқлайди *(МКнинг 111-моддаси)*.

Агар суд хатти-ҳаракат бўлган, лекин барча ҳолатлар ҳисобга олинмаган деган хулосага келса ёки иш берувчи ишдан бўшатиш қоидаларига аниқ риоя қилмаган бўлса, ходим ўз ишига тикланиши мумкин. Тўғри, ишга тиклаш ўрнига суд ходимнинг илтимосига кўра унинг фойдасига прогул қилишга мажбур бўлгани учун камида уч ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ ундириб бериши мумкин *(МКнинг 112-моддаси)*:

Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда бевосита айбдор бўлган мансабдор шахслар иш берувчи олдида ҳам ходимга мажбурий бутун прогул вақти учун иш ҳақи тўлаб зарар етказгани учун ҳам моддий жавобгар бўладилар. Етказилган зарарни қоплаш миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим *(МКнинг 274-моддаси)*.

Бироқ иш берувчида ғойиб бўлган ходим билан кўпроқ мушкулликлар юзага келади. Агар ходим узоқ вақтгача ишда пайдо бўлмаса ва унинг қаердалиги маълум бўлмаса, уни қонуний асосларда ишдан бўшатиб бўлмайди. Иш берувчи аввал ходимдан ишга чиқмагани сабаби тўғрисида ёзма тушунтириш олиши лозим. Ишга чиқиш талаб қилинган ва тушунтириш хати сўралган мактуб ишга чиқмаётган ходимнинг уйига буюртма хат билан юборилади. Ходим офисга келганда ва ишга чиқмаганига узрли сабаб борлигини исботлай олмагандагина ходимни прогул учун ишдан бўшатиш мумкин бўлади. Акс ҳолда суд уни иш жойига тиклаши мумкин. Ходим билан Меҳнат кодексида назарда тутилган таомилга тўла амал қилиб ёки уни вафот этган (шунинг учун ишга чиқмаган) ёки бедарак йўқолган деб тан олинганда суднинг тегишли қарори кучга киргандан кейингина ҳисоб-китоб қилиш мумкин.

Шундай қилиб, прогулчи ходим билан қандай иш тутиш кераклигини аниқлаб олдик. Лекин ҳар қандай раҳбарнинг ходимларнинг ишга мунтазам кечикишига ва меҳнат тартибини бошқа тарзда номақбул бузишларига йўл қўймагани яхшироқ. N

# БУХГАЛТЕРИЯ: АСРЛАР ОША

***Ҳар бир бухгалтер ҳам ўзи ўрганиб қолган атамаларнинг узоқ ва қизиқарли тарихи борлигини билавермайди. Масалан, ҳозирги молия ходимлари кенг фойдаланадиган баъзи тушунчалар қадимги Рим давридаёқ пайдо бўлган.***

## КАСБНИНГ ИЛДИЗЛАРИ

Германияни «бухгалтер» сўзининг ватани дейишади. Император Максимилиан I 1498 йилда ўз имзоси билан тасдиқлаган фармонга мувофиқ император палатасининг иш бошқарувчиси Христоф Штехерни «бухгалтер» деб атай бошлашди. Бу атама икки немисча сўз: Buch (китоб) ва Halter (сақловчи) сўзларидан келиб чиққан.

«Бухгалтер» сўзи рус тилига икки асрдан кейин кириб келган. 1710 йилда, Шимолий уруш давомида, бир швед асирга олинган, у асли бухгалтер экан. Пётр I га бу хорижий сўз ёқиб қолиб, кўп ўйлаб ўтирмай уни рус заминига кўчирди. Шу тариқа, «бухгалтер» тўппа-тўғри немисчадан келган дейишларига қарамай, бу сўз Швеция орқали «транзит» бўлиб ўтган. «Бухгалтерия» сўзи ҳам тахминан ўша вақтдан рус тилида қўлланилади.

Ҳисоб-китоблар тизимини тартибга солишга эҳтиёж «бухгалтерия» сўзидан анча олдин пайдо бўлганини таъкидлаш лозим. Бундай ҳисобни юритиш, яъни айни савдо операцияларини тавсифлашнинг илк далилларини олимлар эрамиздан олдинги 3600 йилга тақашади.

## МАШҲУР ИТАЛЬЯНЛАР

Ҳозирги замон бухгалтериясида асосий тушунчалардан бири «икки ёқлама ёзиш»дир. Тадқиқотчилар кўпинча машҳур итальян математиги Лука Пачолини иккиёқлама ёзиш назариясининг муаллифи дейишади. Лекин Лука Пачоли ўзининг «Арифметика суммаси, геометрик пропорциялар, пропорциялар ва нисбатлар тўғрисида таълимот» фундаментал асарида (1494) XI-«Ҳисоблар ва ёзувлар тўғрисида рисола» бобида амалда ҳеч қандай янгиликни таклиф қилмаётганини, фақат ўтмишдошлари тўплаган билимларни баён қилиб, тартибга солганини ёзади».

«Иккиёқлама ёзув» атамасининг ўзи биринчи марта итальян математиги ва молиячиси Жиованни Тальентенинг 1525 йилда нашр этилган асарида пайдо бўлган. Унинг ватандоши Пиетро Паоло Скали туфайли XVIII аср ўрталариданоқ кенг тарқалди. У ҳисобларни уч гуруҳга, яъни: хусусий (капитал, фойдалар, зарарлар ва натижалар), мулкий ва корреспондентлик (дебиторлар ва кредиторлар) гуруҳларига ажратди. Иккиёқлама бухгалтерия аста-секин учта ажралмас унсурга эга бўлди. Булар: баланс, ҳисоблар ва икки ёқлама ёзув.

Лекин иккиёқлама ёзув назарияси ҳатто мукаммал тизимга расмийлаштирилганидан сўнг ҳам кўп йиллар давомида молия ходимлари ва бухгалтерлар ҳисобларни эскича юритишди. Чунончи Германиянинг баъзи илғор корхоналари XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам бу қоидадан фойдаланмай оддий бухгалтерия юритдилар.

Ҳисобларни юритишнинг янги усули Россияда ҳам бирданига тан олинмади. 1783 йилда 500 нусхада нашр этилган «Тижорат калити» китоби иккиёқлама бухгалтерия тўғрисида рус тилида чиқарилган биринчи китобдир. Китоб таржима қилинган, лекин сарварағида муаллифнинг номи кўрсатилмаган. Китоб нусхаларини сотиш 30 йилда ҳам тамом бўлмади. Чамаси ўша вақтдаги рус китобхонларини молия-пул муносабатларининг назарий муаммолари қизиқтирмас эди. Дарвоқе, ношир умидсизликка тушмади, китобни рус ярмаркалари бўйича маълумотнома деб кўрсатиб, унинг сарварағини ўзгартирди. Ўтмас товарга иккинчи ҳаёт бағишлаш қанчалик муваффақиятли бўлгани тўғрисида тарих сукут сақлайди.

## МАНФИЙ СОНЛАРСИЗ ҲИСОБ

«Дебет» (лотинча debet – у тўлаши керак) ва «кредит» (лотинча credit – у ишонади) сўзлари Қадимги Римда пайдо бўлган. Яъни бу атамалар иккиёқлама бухгалтерия шаклланишидан анча олдин пайдо бўлган. Бу тушунчаларга эҳтиёж эса жуда осон изоҳланади: XIII асрга қадар Европа манфий сонларни билмас эди.

Кирим ва чиқимни (дебет ва кредитнинг ўзи) икки томонлама жадвалга ёки бир устунга, фақат, албатта, манфий сонлардан фойдаланиб жойлаштириш мумкин эди. Римликлар учун иккинчи йўл берк эди, чунки уларнинг математик билимлари кичик сондан катта сонни айиришга имкон бермасди. Пул муомаласига нисбатан бу муаммони ҳал қилиш учун римликлар турмушга «дебет» ва «кредит» тушунчаларини киритганлар.

Француз бухгалтери Эдмонд Дегранж эса XVIII аср охирида рим атамаларини мантиқан ва оддийгина қилиб иккиёқлама ёзув қоидаси билан боғлади. У бераётган томон кредитланади, олаётган томон эса дебетланади, деди. Иккиёқлама ёзувнинг амал қилиш қоидасига ажойиб мисол: товар етказиб берувчи товарни беради ва унга ҳақ тўлашларига ишонади – унга кредитлаймиз. Ўз навбатида омборчи товарни қабул қилиб олади ва бу товарлар учун уларнинг эгаси олдида жавоб беришни бўйнига олади – олинган ҳужжатларга мувофиқ уни дебетлаймиз.

## ЁСТИҚ ОСТИДАГИ БАНК

Молия-пул муносабатлари билан боғлиқ икки жуда маълум атама: «касса» ва «банк» сўзларининг пайдо бўлиш тарихи ҳам қизиқарлидир.

Молиячилар луғатида бу сўзлар амалда бир вақтда пайдо бўлган. Итальян тилида «cassa-panca» қўшма сўзи (яъни «ўриндиқ – сандиқ») уйғониш даврида пайдо бўлган янги мебель буюмини билдирар эди. Касса-панка ҳақиқатан ҳам пул солинадиган ўзига хос сандиқ бўлиб, ўтириш учун қулай суянчиғи бор эди. Касса-панка бадавлат итальянлар уйининг ажралмас қисмига айланган. Юмшоқ тўшак ва ёстиқлар ёрдамида у қулай ўриндиққа айланарди, уй эгаси ўғирликдан қўрқмай кечасию, кундузи шу ерда бўла оларди. У эгасининг давлатмандлигидан дарак берарди, шу сабабли кўпинча ҳақиқий санъат асарига айланган ўйма гуллар билан безатиларди. Шу тариқа кассапанкани ҳақли равишда жамғарма кассалар ва банкларнинг бобокалони дейиш мумкин.

## БУХГАЛТЕРГА ЭСДАЛИК

XVI асрда яшаган итальян молиячиси Анжело ди Пиетро бухгалтернинг асосий фазилатларини санаб чиққан. Унинг фикрича, бундай ходим «ақлли, босиқ бўлишга мажбурдир». Ҳозир ҳам бу хусусда баҳслашиш қийин. Аниқ-равшан ёзиш ҳам, деб ҳисоблаган италиялик, яхши молиячининг зарур сифатидир. Ҳозирги бухгалтер учун бундан кўра компьютерда тез ёзиш муҳимроқ бўлса керак. «Ишга профессионал ёндашиш, – деган эди ди Пиетро, – яхши бухгалтернинг асосий хусусиятларидан биридир». Бу фикр барча касблар учун барча даврларда тўғридир. «Ҳақиқий молиячи шуҳратпарастликдан маҳрум одам бўлмаслиги керак». Ҳозирги пайтда «шуҳратпарастлик» тушунчаси ўрнини «амалпарастликка иштиёқ» тушунчаси эгаллади. Жаноб ди Пиетронинг энг қизиқ фикрларидан бири шуки, у бундай ходимнинг ҳалоллигини профессионал сифатлар рўйхатида сўнгги ўринга қўйган, бу эса маълум мулоҳазаларни туғдиради. Кўринишича, беш юз йил аввал ҳам одамлар профессионал хусусиятларни инсоний фазилатлардан юқори қўйишган.

***Хорижий матбуот саҳифаларидан.***

СП «ЕВРОМЕТАЛ-АЗИЯ»

ВМЗ «Красный Октябрь»

MITTAL
MITTAL STEEL TEMIRTAU
Магнитогорский металлургический комбинат

| | | |
|---|---|---|
| Катанка (ММК) | 5,5-6,5 мм, ст.3 | марки сталей |
| КРУГ | от 14 до 300 мм | 3сп, 20-70, 20Х-40Х, 18ХГТ |
| Круг жаропрочный | - 50-210 мм | 20-30Х13 |
| ЛИСТ MITTAL Г/к Х/к | 2-2,5-3-4-5-6-8-14-25-30-100 мм 1,0 - 1,4 мм | ст.3СП, 40Х, 65Г, 09Г2С 08КП |
| Лист рифлёный MITTAL | ст3сп.5 | 4х1250х6000мм |
| ТРУБА котловая | 28х3,0 мм | 12Х1МФ |
| Лист нержавеющий | 1,5-3,0 мм | 12Х18Н10Т |

т/ф: 361-35-61, 55-76-74, 54-94-95 e-mail: vklim_70@mail.ru

Pr_126_07

ТОМ ЁПИШ материали ва ГИДРОИЗОЛЯЦИОН
ПОЛИИЗОЛ
(фольгали, турли ранглар сепилган, икки томонлама плёнка билан қопланган)
Ишлаб чиқарувчидан ЭНГ АРЗОН НАРХЛАРДА
ТОМ ЁПИШ ВА ГИДРОИЗОЛЯЦИОН ИШЛАРНИ бажарамиз
Тел.:55-74-09, 55-64-53, 449-28-53. E-mail: adrant@ars-inform.uz
Товар сертификатланган

Официальный дистрибьютор в Узбекистане
"WESSEN"
mz1958@yandex.ru www.wessen.ru

- ЛАМПЫ - ЛОН 60, 100, 150, 200, 300, 500 • ДРЛ 125, 250, 450 • ЛД 20, 40 ватт • Бактерицидные ЛД-30 (0,9 м), ЛД-40 (1,2 м)
- СВЕТИЛЬНИКИ для потолков «Армстронг» (4х20) - пылевлагозащищенные (2х40, 2х20), открытые (1х40, 2х40), точечные, щитки освещения - 6, 8, 10, 12, 15 мест
- СЕНСОРНЫЕ ВЫКЛЮЧАТЕЛИ- РЕГУЛЯТОРЫ «САПФИР» 2503, дистанционное управление пультом, 10 программ
- ВЫКЛЮЧАТЕЛИ И РОЗЕТКИ - (Россия) "WESSEN", гарантия 2 года, 250 наименований серии РОНДО, ПРИМА, РОНДО IP-44, ХИТ, W-45, WESSEN-59
- БЛОКИ ЗАЩИТЫ ламп «ГРАНИТ» увеличивают срок службы в 5-7 раз
- ЛЮМИНЕСЦЕНТНЫЕ ЛАМПЫ - 26 ватт, эконом-класс
- ТАЙМЕРЫ ДЛЯ САНУЗЛОВ - включает вентилятор через 30 сек., выключает через 5 минут
- ПАТРОНЫ - настенные с фотоэлементом, автоматы 16, 20, 25, 32, 40, 50, 63, 80, 100 А
- СВЕТОРЕГУЛЯТОРЫ «АГАТ» - мощностью 600, 1000, 1500 ватт работают с обычными клавишными выключателями
- СВАРОЧНАЯ ОМЕДНЕННАЯ ПРОВОЛОКА - для кемпи d-0,8, 1,2, 1,6 мм

Товар сертифицирован

139-83-74, 300-38-21, 167-87-20, 139-47-19
С продукцией можно ознакомиться на www.sitash.uz
PR_056_07

МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ
АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ
ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН
TÜV CERT EN ISO 9001
РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ
Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: 360-63-93, 360-63-50, 360-63-30, 360-63-20, e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

$-2513
"НАСОСМАШСЕРВИС" МЧЖ
саноатнинг нефть, кимё, энергетика ва бошқа тармоқлари учун насосларни таклиф этади
НАСОСЛАР
Тел./факс: 360-18-22, 189-5741, 110-1594
Товар сертификатланган

СОЛИК ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ
РЕКЛАМА
144-02-01
144-02-40


## • РЎЙХАТЛАР

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 23 майдаги қарорларига асосан Сергели туманидаги тугатилган корхоналар РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "BIZNES TERI" ТЗК | 10-0715/5481 |
| "SARVARI OLAM" МСНЈ | 10-0715/5482 |
| "SERGELI SARMOYA INVEST" МСНЈ | 10-0715/5483 |
| "HODDIL SAVDO" XF | 10-0715/5484 |
| "BAH RUS SAVDO" XF | 10-0715/5485 |
| "MAJIDHON RASHID" XF | 10-0715/5486 |
| "KALVO FOTO" XF | 10-0715/5487 |
| "BONU LYUKS" XF | 10-0715/5488 |
| "BAHOR SAVDO BIZNES" XF | 10-0715/5489 |
| "SHAHRIYOR TRANS" XF | 10-0715/5490 |
| "ARKADA PLUS" XF | 10-0715/5491 |
| "HXTJFT-3" | 10-0715/5492 |
| "SUGDIYONA KOMMUNAL" TSJ | 10-0715/5493 |
| "MEXRIGIYO-TA" МСНЈ | 10-0715/5494 |
| "DAVR PLAST" МСНЈ | 10-0715/5495 |
| "YO'LBARS AQLI" МСНЈ | 10-0715/5497 |
| "BO'STON NASHR" МСНЈ | 10-0715/5498 |
| "GANIY OPTIMAL" МСНЈ | 10-0715/5499 |
| "SERGELI ULOV TRANS" МСНЈ | 10-0715/5500 |
| "MINOR SERVIS" МСНЈ | 10-0715/5501 |
| "FAROVON DAVR" МСНЈ | 10-0715/5502 |

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 24 майдаги 10-0714/6151-сонли ажримига асосан Юнусобод туманидаги "ALFA INTER TRADE" МЧЖга нисбатан кузатув таомили жорий этилди. Муваққат бошқарувчи этиб Юнусобод туман ДСИ ходими Д.Файзиев тайинланди. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2007 йил 25 июнь соат 10.00 да Юнусобод туман ДСИ биносида ўтказилади. Ишни суд муҳокамасида кўриш 2007 йил 4 июль соат 16.00 да Юнусобод туман ДСИ биносида бўлиб ўтади. Иш юзасидан талаб ва таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 6-хона.
Тел. 135-89-63.


DESK INVEST
МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА, ПРОФНАСТИЛ
ЎЗБЕКИСТОН-АВСТРИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ва томнинг бошқа юқори сифатли элементларини рангли гаммада, исталган миқдорда ишлаб чиқаради ва монтаж қилади
Ҳақиқий Финляндия сифати. Кафолат - 50 йил
Шунингдек Россияда ишлаб чиқарилган, қалинлиги 1,5 мм дан 30 мм гача бўлган
катта миқдорда ПЎЛАТ ПРОКАТИ мавжуд
pr_58
УЛГУРЖИ НАРХЛАР
Тел.: (99897) 103-20-42; (99893) 388-01-27
Товар сертификатланган



Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: normapress@mail.ru

Нашр учун масъул:
Фарҳод Қурбонбоев

*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*

Газета таҳририят томонидан KYOCERA принтерида тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди (Тошкент ш., Буюк Турон кўч., 41). Буюртма Г-563. Адади 8620. Баҳоси келишилган нархда

Газета 2007 йил 11 июнда соат 18.30 да топширилди. 1 3 4 5 6